

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**7/2021**

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

**Хуқуқий, илмий-амалий нашр**

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Козимджсан КАМИЛОВ  
Робахон МАҲМУДОВА  
Ҳалилило ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Замира ЭСАНОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош мухаррир**  
**Камол УБАЙДИЛЛОЕВ**

**Масъул котиб**  
**Муталиф СОДИКОВ**

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

**МУАССАСА МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-йй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliy@sud.uz  
**Веб-сайт:** [www.odilsudlov.sud.uz](http://www.odilsudlov.sud.uz)

Босишга 2021 йил 15 июлда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –11. Нашр адади 4350 нусха.

**Навбатчи мухаррир**  
**Муталиф СОДИКОВ**

## НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА НАШР GROUP» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100 057,  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани  
Ифтихор кўчаси, 117-үй

## **ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....10

## **САЙЛОВ ХУҚУҚИ**

**Р. Махмудова.** Сайлов жараёни субъектларининг конституциявий ва хукукий жавобгарлиги: белгилари, асослари ва санкциялар.....14

## **ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**З. Нурматов.** МДҲга аъзо давлатларда жиноят қонунининг амал қилиш доираси: қиёсий-хукуқий таҳлил.....20

## **БОЛА ХУҚУҚЛАРИ**

**А. Сейтназаров.** Фарзандликка олиш.....26

## **МУАЛЛИФЛИК ХУҚУҚЛАРИ**

**А. Ражабов, Х. Равшанов.** Муаллифлик хукуқларини фуқаровий-хукуқий ҳимоя қилиш усуллари.....28

## **ФЕРМЕР ВА ХУҚУҚ**

**А. Сафарова.** Фермерлик фаолиятини тартибга солишдаги долзарб муаммолар.....31

## **СУҒУРТА ХУҚУҚИ**

**С. Солиев, Б. Абдурахимов.** Суғуртага оид низолар.....36

## **ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИННИГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Ш. Эрметова.** Ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жавобгарлик.....40

## **ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

**Ш. Раззоқов.** Ҳаёт сабоғи: у уққанни юксакликка элтади, уқмаганни чоҳга қулатади.....43

## **ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН**

**Амин Маалуф.** Умар Ҳайёмнинг Самарқанд саргузаштлари.....46

## **ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА**.....79



**ОЛИЙ СУД**  
**ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ФУҚАРОЛИК  
ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА**

2021 йил 20 апрель

17-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиқсанлиги муносабати билан «Судлар түғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қўйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти түғрисида» 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарорининг **24-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириш ва бундай тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш тавсия этилсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик кодексини тат-

биқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айrim масалалар түғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарорининг **26-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига мунтазам равишда судлар томонидан ФК нормаларини қўллаш амалиётини умумлаштириш ва натижалари бўйича уларни тўғри қўллашни таъминлашга қаратилган чораларни кўриш тавсия этилсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонуларни қўллашнинг айrim масалалари түғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори:

**7-банди:**

**БИРИНЧИ ХАТБОШИСИ** чиқариб ташлансин;  
**ИККИНЧИ ХАТБОШИСИ** «Судлар шуни назарда тутиши керакки,» деган сўзлардан кейин «ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатилиши оқибатида етказилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**17-банди** қўйидаги таҳрирda баён этилсин:

«17. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлар томонидан маънавий зарарни қоплаш түғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаши,

ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши лозим».

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида» 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори:

**5-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Туар жой мулкдори вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан туар жойни жисмоний ва юридик шахсларга белгилangan тартибда ижарага беришга ҳақлидир.

Мулкдор ва унинг оила аъзолари ўртасида туар жойдан фойдаланиш масалалари юзасидан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан қўчириш, шунингдек, мазкур хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа низолар) суд тартибда ҳал қилинади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, мулкдорга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш мумкин эмас.

Тушунтирилсинки, собиқ мулкдор ва унинг оила аъзолари уй-жойни олди-сотди шартномасига асосан бегоналаштирганда, шартномада қўрсатилган кундан, agar шартномада уларнинг рўйхатдан чиқиш муддати келишилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан туар жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб ҳисобланади»;

**17-банди** чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Мехнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида» 2003 йил 19 декабрдаги 18-сонли қарори:

**2-бандининг «е» кичик банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) белгилangan пенсияни ҳисоблашнинг базавий микдори оширилиши муносабати билан зарарни қоплаш микдорини кўпайтириш ҳақидаги»;

**10-бандининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш ҳақи ёки унинг бир қисмини қоплашда, жабрланувчига меҳнатда жароҳат

олиши туфайли тайинланган ногиронлик пенсияси, шунингдек, меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсияларнинг бошқа турлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек, жабрланувчининг жароҳат олганидан кейинги иш ҳақи зарарни қоплашда ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар-ногиронларга зарарни қоплаш суммаси белгилangan пенсияни ҳисоблашнинг базавий микдорининг эллик фоизидан кам бўлмаслиги керак»;

**20-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига мунтазам равишда мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин».

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк хуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарори:

**23-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс мазкур қурилмага мулк хуқуқини ололмайди, ФК 212-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ўзбошимча қурилмага мулк хуқуқини белгилаш асоси ва шартлари мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно»;

**24-банди** чиқариб ташлансин;

**25-банди:**

**биринчи хатбошиси** «Фуқаролик кодекси 212-моддасининг бешинчи қисми» деган сўзлар «ФК 212-моддасининг тўртинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошиси** «Фуқаролик кодекси 212-моддасининг бешинчи қисмiga» деган сўзлар «ФК 212-моддасининг тўртинчи қисmiga» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26-бандининг биринчи хатбошиси** «Фуқаролик кодекси 212-моддасининг олтинчи қисми» деган сўзлар «ФК 212-модда-

сининг бешинчи қисми» деган сўзлар билан, «Фуқаролик кодекси 212-моддасининг тўртингч ва бешинчи қисмларига» деган сўзлар «ФК 212-моддасининг тўртингч қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айrim масалалар тўғрисида» 2006 йил 3 февралдаги 3-сонли қарори:

**17-бандиндаги** «шартлар ва кафолатлар тегишли тартибида бажарилганидан сўнгина» деган сўзлар «мақсад, шунингдек, тартиб ва кафолатларга риоя қилган ҳолдагина» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари га ер низолари тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориш тавсия этилсин».

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Буйруқ тартибида иш юритиши тартибга солувчи қонун нормалари ни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида» 2006 йил 3 февралдаги 4-сонли қарори:

қарор матнидаги тегишли келишикдаги «чиқарилади» деган сўз «берилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

**1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессал кодексининг (бундан бўён матнда ФПК деб юритилади) 171-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-бандиндаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 145-моддасида» деган сўзлар «ФПК 33-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-банди** «ариза ёзма шаклда» деган сўзлардан кейин «ва ахборот тизими орқали электрон ҳужжат шаклида» деган сўзлар билан, «талаблар даъво аризага» деган сўзлардан кейин «(ФПК 189-моддаси)» деган сўзлар билан, «келиб чиқиб, судлар» деган сўзлардан кейин «суд буйруғи бериш ҳақи-

да» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4-банди** чиқариб ташлансин;

**5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Судларга тушунтирилсинки, буйруқ тартибида иш юритиш суд муҳокамасини истисно қилиши сабабли кўчар мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида суд буйруғи бериш ҳақидаги аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати кўрсатилиши лозим (ФПК 172-моддаси тўртингч қисми), шунингдек, қарздорликни ундириш тўғрисидаги суд буйруғи бериш ҳақидаги аризада тегишинча қарздорлик вужудга келган давр кўрсатилиши лозим (ФПК 172-моддаси иккинчи қисми 5-банди)»;

**6-банди** чиқариб ташлансин;

**7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«7. Судлар шуни назарда тутиши лозими, ФПК 194-моддаси билан даъво аризасини қабул қилишни рад этиш учун белгиланган умумий асослари билан бир қаторда, агар:

қарздорнинг яшаш жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлса;

аризани ва ундирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганишда хуқук тўғрисида низо борлиги аниқланган бўлса;

арз қилинган талаф ФПК 171-моддасида назарда тутилмаган бўлса, судья суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади»;

**9-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар «ФПК 171-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар «ФПК 171-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи – бешинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

**11-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПК 238<sup>2</sup>-моддасининг 3-бандига» деган сўзлар «ФПК 171-моддасининг 4-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПК 238<sup>4</sup>-мод-

дасига» деган сўзлар «ФПК 174-моддасига» деган сўзлар билан, «даъво аризалар учун» деган сўзлар «даъво иш юритиш тартиби учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Агар ариза ФПК 172-моддаси талабларига жавоб бермаса ва унга арз қилинган талабни тасдиқловчи хужжатлар, шунингдек, белгиланган миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинмаган бўлса, судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтаради ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризанинг қайтарилиши йўл қўйилган камчилклар бартараф этилганидан кейин судга қайтадан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди (ФПК 176-моддаси);

**16-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги (ФПК 175-моддаси), шунингдек, суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қайtarиш (ФПК 176-моддаси) ҳақидаги ажрим ариза судга келиб тушган кундан бошлаб уч кунда чиқарилиши ва мазмuni бўйича ФПК 194, 195-моддалари талабларига жавоб бериши шарт»;

**17-банди** чиқариб ташлансин;

**18-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин;

«18. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ундирувчини шу талаб бўйича судга даъво тартибида мурожаат қилиш хуқуқидан маҳрум қилмаслиги сабабли, судлар шуни назарда тутиши лозимки, суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят берилмайди»;

**19-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Судлар суд буйруғини беришда ФПК 178-моддасида унинг мазмунига қўйилган талабларга амал қилиши лозим.

Хусусан, суд буйруғида талабни қаноатлантиришга асос бўлган моддий хуқуқ нормаси кўрсатилиши шарт. Суд буйруғининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўриниб тур-

ган арифметик хатоларни тузатиш суднинг ташаббуси ёхуд ундирувчининг ёки қарздорнинг аризаси бўйича суднинг ажримига асосан амалга оширилади»;

**20-бандиндаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238<sup>9</sup>-моддасида» деган сўзлар «ФПК 179-моддасида» деган сўзлар билан, «ФПКнинг 238<sup>10</sup>-моддасида» деган сўзлар «ФПК 181-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**22-бандиндаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 105-моддаси» деган сўзлар «ФПК 129-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**23-бандиндаги** «аризасига» деган сўз «илтимосномасига» деган сўз билан, «ариза» деган сўз «илтимоснома» деган сўз билан, «берилган шикоятлар» деган сўзлар «берилган эътиорозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**24-бандиндаги** «Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238<sup>9</sup>-моддасида» деган сўзлар «ФПК 181-моддасида» деган сўзлар билан, «ФПКнинг 12-бобида» деган сўзлар «ФПК 15-бобида» деган сўзлар билан, «ФПКнинг 130-моддасига» деган сўзлар «ФПК 155-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида» 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарори:

**3-бандининг бешинчи кичик хатбоши** «ва назорат тартибидаги шикоятлардан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**9-банди** қўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кассация шикоятига уни қайтаришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг тўланган давлат божи қайtарилиши белгиланган бўлса-ю, лекин қайtarilmagan бўлса ва у бюджетга ўtkazilgan кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги

дастлабки хужжатнинг ҳам илова қилинишига йўл қўйилади»;

**24-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўришда, мазкур суд инстанциялари биринчи инстанция суди томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш чораларини кўриши лозим».

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг

судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» 2010 йил 14 майдаги 5-сонли қарорининг

**16-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари фуқаролик ишлари бўйича вакиллик ҳақидаги процессуал қонун нормаларини қўллаш бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур ҳуқуқий институтнинг тўғри қўлланилиши юзасидан чоралар кўриши лозим».

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли қарори:

**6-бандининг иккинчи хатбошидаги апелляция ёки кассация ва назорат инстанциясида»** деган сўзлар «апелляция ёки кассация инстанциясида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**37-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур тоифадаги ишлар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим».

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида» 2011 йил 25 ноябрдаги 08-сонли қарорининг **21-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ўзбекистон Республикаси Олий су-

дининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонун бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўрган ҳолда оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштирун».

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айrim масалалари тўғрисида» 2012 йил 25 майдаги 06-сонли қарори:

**16-бандининг биринчи хатбоши** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси ва Халқаро ҳуқуқий бўлимига қўйидагилар тавсия этилсин:»;

**17-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**18-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари вақти-вақти билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликка оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини умумлаштириб борсин, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этсин».

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли қарорининг

**24-бандидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сонли қарори:

**28-банди биринчи хатбошисининг учинчи кичик хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг икки баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича - 5 фоиз»;

**32-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари мунтазам равишда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақидаги қонун хужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиб бориш орқали йўл қўйилган хатоларнинг ўз вақтида бартарраф этилишини ва қонун нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминласин».

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 14-сонли қарори:

**4-бандининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аризани қайтариш ҳақидаги суд ажрими устидан ФПК 44-бобида белгиланган тартибда хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин ва у бекор қилинган тақдирда, ариза судга дастлаб мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади»;

**22-бандидаги «ФПК IV бўлимида»** деган сўзлар «ФПК 44-бобида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**25-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «ФПК 43-бобида»** деган сўзлар «ФПК 44-бобида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини суд мухокамасига тайёрлаш тўғрисида» 2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарори **11-бандининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурорнинг суд процессида иштирок этиши қонун бўйича шарт деб белгиланган

ҳолларда, бу хақда ишни суд мухокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилиши лозим».

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарорининг **27-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари доимий равишда судлар томонидан қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг процессуал қонун талабларига мувофиқлигини ўрганиши, қонун талаблари бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим».

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида» 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли қарори:

**1-бандининг биринчи хатбошисидаги «(ФПК 6-моддасининг еттинчи қисми)»** деган сўзлар «(ФПК 6-моддасининг бешинчи қисми)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 342-моддаси»** деган сўзлар ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси» деган сўзлар билан, «апелляция ёхуд кассация шикоятини» деган сўзлар «апелляция ва кассация шикоятини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**14-бандидаги «апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида»** деган сўзлар «апелляция ва кассация тартибида» деган сўзлар билан, «апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибидаги шикоят (протест)га» деган сўзлар «апелляция ва кассация тартибида шикоят (протест)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15-банди:**

**биринчи хатбошисидаги «(ФПК 400, 420, 422-моддалари)»** деган сўзлар «(ФПК 400-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисининг ўн саккизинчи кичик хатбошисидаги «хусусий ажрим (қарор)»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи хатбошисининг йигирма учинчи кичик хатбошисидаги «(кассация)»** деган сўз чиқариб ташлансин;

**18-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари биринчи инстанция судлари томонидан ажримлар чиқарилиши амалиётини вақти-вақти билан умумлаштирулган ҳамда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрсинг».

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича кайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида» 2019 йил 24 декабрдаги 25-сонли қарори:

**1-бандининг учинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция, кассация инстанцияси судлари ўзлари томонидан чиқарилган ажримларни янги очилган ҳолатлар бўйича улар томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёхуд янги ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, кайта кўришга ҳақли (ФПК 438-моддаси)»;

**3-бандининг учинчи хатбошисидаги** «Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судига» деган сўзлар «Апелляция ёки кассация инстанцияси судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди» деган сўзлар «апелляция ёки кассация инстанцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13-банди:**

**Биринчи хатбошисидаги** «апелляция ёки кассация инстанцияси судига» деган сўзлар «апелляция инстанцияси судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди» деган сўзлар «апелляция инстанцияси суди» деган сўзлар билан, «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсан, «, қарорлар» деган сўз чиқарип ташлансан;

**14-бандидаги** «апелляция ёки кассация инстанцияси суди» деган сўзлар «апелляция

инстанцияси суди» деган сўзлар билан, «суд ҳужжати бекор қилинган судга» деган сўзлар «биринчи инстанция судига» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**17-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари конуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан суд амалиётини мунтазам рашида умумлаштириши лозим».

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жисмоний ва юридик шахслар хуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали химоя қилиш тўғрисида» 2020 йил 3 июлдаги 11-сонли қарори:

**2-бандининг учинчи кичик хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда – шикоят шаклида амалга оширилади»;

**5-бандининг учинчи хатбошисидаги** «кассация ва назорат шикояти» деган сўзлар «кассация шикояти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-бандидаги** «назорат инстанцияси судига» деган сўзлар «кассация инстанцияси судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-бандидаги** «апелляция, кассация инстанциясида» деган сўзлар «апелляция инстанцияси судига» деган сўзлар билан, «ишин апелляция, кассация инстанцияси судига» деган сўзлар билан, «ишин апелляция инстанциясида» деган сўзлар билан, «апелляция, кассация инстанциясида» деган сўзлар «апелляция инстанциясида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**10-бандидаги** «апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари» деган сўзлар «апелляция, кассация инстанцияси судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси  
К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси  
И. АЛИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ИҚТИСОДИЙ  
ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ  
ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

*2021 йил 20 апрель*

*18-сонли*

*Тошкент шаҳри*

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиқсанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қўйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Қонуний кучга кирган суд хўжжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда иқтисодий процессуал қонун хўжжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2003 йил 25 июндан 111-сонли қарори:

**1-банди** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан бўён матнда ИПК деб юритилади) 328-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд хўжжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза факат ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг хукуқий ворислари (ИПК 46-моддаси), шунингдек, суд жаримаси солинган шахслар (ИПК 58, 69 ва 98-моддалари) ҳам шундай хукуққа эгадир. Ишда иштирок этувчи прокурор ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланганлиги боис, у ҳам ўзи иштирок этган иш бўйича қабул қилинган суд хўжжатини янги очилган ҳолатлар

бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар, уларнинг қонуний хукуқ ва мажбуриятларига дахлдор суд хўжжатлари қабул қилинган тақдирда, шу асосда қонуний кучга кирган суд хўжжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза беришга ҳақли эмас, бундай ҳолатда улар фақат суд хўжжатлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоят бериши мумкин. Бундай шахслар қонуний кучга кирган суд хўжжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганида аризани қабул қилиш ИПК 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш ИПК 296-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда тутатилади.

Иқтисодий судлар ўзлари қабул қилган суд хўжжатларини ўз ташаббуси билан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин эмас»;

**3-бандидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандининг учинчи хатбошисидаги** «кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ИПК 328-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ўтгач берилган ариза кўриб чиқилмайди, бундан ИПК 327-моддасининг 2-4-бандларида назарда тутилган асослар бўйича берилган аризалар мустасно. ИПК 327-моддасининг 1-бандида назарда тутилган асос бўйича суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган ариза ИПК 331-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилади. Агар кўрсатилган ҳолат ариза иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниqlанса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда ариза бўйича иш юритиш тутатилади»;

**11-бандининг иккинчи хатбошисидаги «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**13-бандининг биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ИПК 332-моддасига мувофиқ, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иқтисодий суд у келиб тушган кундан бошлаб бир ойлик муддатда суд мажлисида кўриб чиқади. Бунда судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза юзасидан биринчи суд мажлиси аризани иш юритишга қабул қилиш хақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ИПК 127-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади»;

**14-бандининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан умумий тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган апел-

ляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация шикояти (протест) берилиши мумкин. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган кассация инстанцияси судининг ажрими устидан тақороран кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш ҳақида протест келтириш тўғрисида ариза берилиши мумкин»;

**15-бандининг биринчи хатбошисидаги «ва назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**16-бандидаги «кассация ёки назорат» деган сўзлар «апелляция ёки кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори:

**1-бандининг иккинчи хатбошисидаги «ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига» деган сўзлар «ИПКнинг 279 ва 302-моддаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**16-бандидаги «ИПКнинг 34, 35 ва 36-бобла-рида» деган сўзлар «ИПКнинг 34 ва 35-бобла-рида» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «ёки назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида» 2009 йил 10 апрелдаги 6/196-сонли қарорининг **13-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. ФПКнинг 407<sup>6</sup>-моддаси, МСИЮТКнинг 236-моддаси ва ИПКнинг 294-моддасига кўра, Олий суд судъяси кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этиш билан бир вақтда низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини шикоятни берган шахснинг илтимосномасига кўра кассация тартибида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб қўйишга ҳақли. Бу ҳукуқдан фойдаланилган тақдирда, судъя суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳақида кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади. Суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида илтимоснома кассация шикоятини иш юритишга

қабул қилиш тұғрисида ажрим чиқарылғаныдан кейин тақдым қылинған ҳолда, бундай илтимоснома бүйіча алохіда ажрим чиқарылади».

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд буйруғи бериш тұғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессыал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тұғрисида» 2013 йил 5 декабрдаги 254-сонли қарорининг **17-банди** кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Суд буйруғи апелляция, кассация инстанцияларида ва янги очилған ҳолатлар бүйіча қайта кўрилмайди. Шу муносабат билан суд буйруғи устидан берилған апелляция, кассация шикоятини қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 2-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан, янги очилған ҳолатлар бүйіча қайта кўриш тұғрисидаги аризани қабул қилиш эса, ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади. Агар шикоят ёки ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, апелляция ёки кассация шикояти бүйіча иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ёки 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, янги очилған ҳолатлар бүйіча қайта кўриш тұғрисидаги ариза бўйича эса, иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан экспертизага оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тұғрисида» 2014 йил 20 июндаги 261-сонли қарори:

**7-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Судларга тушунтирилсинки, апелляция инстанцияси суди ишни мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича қайта кўриши сабабли, ушбу суд инстанцияси ҳам мазкур қарор 3-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда экспертиза тайинлашга ҳақли»;

**9-бандининг иккинчи хатбошиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ИПКда экспертиза тайинлаш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят берилши (протест келтирилиши) назарда тутилмаганлиги муносабати билан судлар шуни инобатта олиши лозимки, экспертиза тайинлаш тұғрисидаги ажримда иш юритишни тұхтатиб турған ҳам кўрсатылған

бўлиб, ушбу ажрим устидан шикоят берилған (протест келтирилған) бўлса, шикоят (протест) нинг факат иш юритишни тұхтатиб турғаша оид қисми кўриб чиқылади. Агар шикоят (протест) суд ажримининг экспертизани тайинлашга оид қисми устидан берилған бўлса, уни қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 2-банди ёки 291-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади. Агар ариза (протест) иш юритишга қабул қилинган бўлса, у бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ёки 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, шикоят (протест) кўриб чиқидаётган суд инстанциясида тугатилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишида процессыал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тұғрисида» 2014 йил 28 ноябрдаги 270-сонли қарори:

**3-бандидаги** «ИПКнинг 11, 112, 165, 166, 171 ва 261-моддаларида» деган сўзлар «ИПКнинг 11, 112, 165, 166 ва 171-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандидаги** «ва назорат» деган сўзлар чиқаруб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори:

**9-бандининг биринчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар «апелляция ва кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**16.1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «апелляция, кассация ҳамда назорат» деган сўзлар «апелляция, кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан процессыал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тұғрисида» 2015 йил 19 июндаги 283-сонли қарори:

**11-бандининг биринчи хатбошисидаги** «назорат тартибида протест келтириш тұғрисидаги ариза (ИПК 312-моддасининг учинчи

кисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**24-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти (протести) бир йил давомида берилиши мумкин. Бунда кассация шикояти (протести) бериш учун белгиланган бир йиллик муддатга биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори конуний кучга кирган кун кирмайди»;

**24.1-банди** чиқариб ташлансин;

**24.2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24.2. Кассация шикояти (протести) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Ишни кассация инстанцияси судида кўриш учун белгиланган бир ойлик муддат кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасига кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақида ажрим чиқарилган кундан хисобланади ва кейинги ойнинг тегишли кунида тугайди.

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов хайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин»;

**25-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичida берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин»;

**25.1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «апелляция ва кассация шикоятларини» деган сўзлар «апелляция шикоятини» деган сўзлар билан, «ИПКнинг 262 ва 285-моддаларида» деган сўзлар «ИПКнинг 262-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26 ва 27-бандлари** чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан кўлланилишининг айrim масалалари ҳақида» 2015 йил 27

ноябрдаги 289-сонли қарори:

**6-бандининг тўртингчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар лизинг берувчининг даъво аризасида етказилган заарларни ундириш ва гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибида ундирувни лизинг обьектига қаратган ҳолда шартномани бекор қилиш талаблари билан бирга барча лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ҳам кўйилган тақдирда, суд лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси жиддий тарзда бузилганлиги ҳақида хulosага келса, у ҳолда ушбу талаблардан бири – ёхуд лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ёхуд етказилган заарларни ундириш ва гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибида ундирувни лизинг обьектига қаратган тарзда шартномани бекор қилиш талаби кўйилган ҳолда ҳам қўлланилади»;

**6.2 ва 6.3-бандлари** чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айrim масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:


**7-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ёхуд назорат тартибида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**13-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ёки назорат тартибида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**14-бандининг олтинчи хатбошисидаги** «ва назорат», «, шунингдек назорат тартибида ариза» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси  
К.КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси  
И.АЛИМОВ**



## САЙЛОВ ЖАРАЁНИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ: БЕЛГИЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА САНКЦИЯЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида шиддат билан олиб борилаётган ислоҳотлар жамиятнинг сиёсий ҳаётини ҳам четлаб ўтмади.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча муҳим ислоҳотлар ҳам амалга оширилиб, Сайлов кодекси қабул қилинди.

Сайлов қонунчилигини ўрганиш натижасида сайлов жараёни субъектлари ни шартли равиша **4 та гурухга** бўлиш мумкин:

- **сайловчилар** (18 ёшга тўлган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар);
- **сайланадиганлар** (бу гурухга сиёсий партиялар номзодлари, номзодларнинг вакиллари ҳам киради);
- **кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари** (хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор ganларининг кузатувчилари);
- **сайлов комиссиялари** (участка, округ ва Марказий сайлов комиссиялари).

Ҳар қандай демократик давлатларда бўлгани каби сайловолди ташвиқотлари ва сайловгача бўлган бошқа жараёнлардан, шунингдек сайлов натижаларидан сайлов жараёни субъектларидан эътиrozлар юзага келиши табиий жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби



**Робахон МАХМУДОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
раисининг биринчи ўринbosари**

### 1. Сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби

Маълумки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, уни бевосита ва билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Бу борадаги муносабатлар ҳам амалдаги Сайлов кодекси билан тартибга солиниб, сайлов комиссиялари сайлов кампаниясиги ўtkазиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур Кодекс талаблари бузилганлиги ёки сайловни ташкил этишининг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатлари бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, сайловга камида

**олти кун қолганида ёки овоз бериш куни** келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шартлиги ҳамда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши каби қоидалар белгиланган<sup>1</sup>.

Жорий йилнинг 31 май куни Сайлов кодексига киритилган ўзgartиш ва қўшимчаларга асосан, эндиликда сайлов жараёни субъектлари сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин **беш кун** ичида **судга** шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин **беш кун** ичида **Ўзбекистон Республикаси Олий судига** шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 142-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-харакатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-харакатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриб чиқилиши, бу тоифадаги шикоятлар суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан **кечиктирмай** кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, **дарҳол** кўриб чиқилиши белгиланган<sup>2</sup>.

Мазкур Кодекснинг 167-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-харакатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир суднинг ҳал қи́лув қарори чиқарилиши биланоқ тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилиб, **дарҳол ижро** этилиши лозимлиги каби қоидалар белгиланган.

Эътиборлиси, Сайлов кодексида мурожаат қилиш тартиби ҳамда муддатининг бир хиллиги, уларни тегишли органлар томонидан ўз вақтида, очиқ ва транспарентлик тамойиллари асосида кўриб чиқиш, сайлов комиссиялари қарорларини суд хокимияти томонидан қайта кўриб чиқиш имконияти кўзда тутилганлигидир.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар томонидан 2018–2019 йилларда ўтказилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар билан боғлик оммавий ҳуқуқий муносабатларга оид жами **126 та** маъмурий иш кўрилган бўлиб, шундан **100 та** иш бўйича аризачи сифатида депутатларка ва фуқаролар йиғини раислигига номзодини қўйган фуқаролар мурожаат қилган, **26 та** маъмурий иш бўйича аризачи сифатида ўтказилган сайловлардан норози бўлган фуқаролар мурожаат қилган. Ушбу маъмурий ишларнинг 6 таси бўйича фуқаролар жамоавий тартибда ариза билан мурожаат қилишган.

## 2. Сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Амалдаги қонунларимизда сайлов қонунчилигини бузганлик учун **маъмурий ва жиноий** таъсир чоралари ҳам мавжуд бўлиб, бундан сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этишлари ва сайлов ҳуқуқлари самарали амалга оширилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Хусусан, 2014 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 8 та моддадан иборат маҳсус «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган **V<sup>1</sup>-боб (51<sup>2</sup>-51<sup>9</sup>-моддалар)** билан тўлдирилди. Унда сайлов жараёнида содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилишлари учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар ўз ифодасини топган.

Аҳамиятлиси, ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

ҳам бир сутка мобайнида кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Хусусан, қуидаги ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик деб баҳоланиб, уларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш ( $51^2$ -моддаси)<sup>3</sup>;

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни файрихуқукий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ( $51^3$ -моддаси)<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 11 ва 26-моддаларида сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслар-

дан мустақил ҳолда амалга ошириши, шу билан биргаликда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шартлиги қайд этилган.

Сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаати кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқилиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтарилиши шарт. Қайд этилган органларнинг мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашганлиги ёки тўсқинлиқ қилганлиги учун қайд этилган ҳуқуқбузарларнинг субъектлари бўлади;

3. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия вако-

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва сайлов жараёни субъектларининг конституциявий ва ҳуқуқий жавобгарлиги белгилари, асослари ва санкциялари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** сайлов, сайлов жараёни субъектлари, сайловчилар, номзодлар, сайлов комиссиялари, мурожаат, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноят, жиноий жавобгарлик, санкция, жарима.

\* \* \*

В данной статье анализируется порядок рассмотрения обращений о нарушениях избирательного законодательства в Республике Узбекистан, признаки, основания и санкции конституционно-правовой ответственности субъектов избирательных процессов.

**Ключевые слова:** выборы, субъекты избирательного процесса, избиратели, кандидаты, избирательные комиссии, обращение, правонарушение, административная ответственность, преступление, уголовная ответственность, санкция, штраф.

\* \* \*

This article analyzes the procedure for considering appeals on violations of electoral legislation in the Republic of Uzbekistan, signs, grounds and sanctions of constitutional and legal responsibility of subjects of electoral processes.

**Key words:** elections, subjects of the electoral process, voters, candidates, election commissions, appeal, offense, administrative responsibility, crime, criminal liability, sanction, fine.

латли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51<sup>4</sup>-моддаси)<sup>5</sup>.

Сайлов кодексининг 6-бобида кузатувчи ва сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари, 8-бобида номзод ва унинг ишончли вакили ҳуқуқлари, 41-моддасида номзоднинг фаолияти кафолатлари қайд этилган. Ушбу ҳуқуқларни бузган сайлов комиссиялари ва давлат органларининг мансабдор шахслари баён этилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади;

4. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориши шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш (51<sup>5</sup>-моддаси)<sup>6</sup>.

Сайлов кодексининг 44-моддасида сайловолди ташвиқоти тушунчаси, қоидалари ва тақиқлари, шу жумладан, сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланган шахслар рўйхати қайд этилган. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари қонунда белгиланган сайловолди ташвиқот тартибини бузган номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ва мансабдор шахс бўлиши мумкин;

5. Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиши мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усувлар орқали тарқатиш (51<sup>6</sup>-моддаси)<sup>7</sup>.

Сайлов кодексининг 44-моддасида қайд этилган сайловолди ташвиқоти фаолиятини олиб боришдаги тақиқлардан бири – нотўғри ахборотни, шунингдек номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш. Ушбу қоидага қасдан амал қилмаган фуқаро ёки мансабдор шахс ҳуқуқбузарликнинг субъектидир;

6. Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материаларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасд-

дан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш (51<sup>7</sup>-моддаси)<sup>8</sup>.

Қонунда белгиланган тартибда сайловолди ташвиқоти жараёнида жойлаштирилган материалларни йўқ қилиш ёки шикаст етказиш нафақат номзодга қарши, балки сайловчиларнинг маълумот олиш ҳуқуқига қарши ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, унинг субъекти қасдан содир этган фуқаро ёки мансабдор шахс бўлади;

7. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш (51<sup>8</sup>-моддаси)<sup>9</sup>.

Сайлов кодексининг 98-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Чет давлатларнинг, улар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланиди. Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда бериши мумкин.

Бу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси жараёнида улардан фойдаланиш учун қабул қилиб олинади. Ушбу тартибга риоя қилмаган фуқаро ёки мансабдор шахс ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлади;

8. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш (51<sup>9</sup>-моддаси)<sup>10</sup>.

Сайлов кодексининг 103-моддасида сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прог-

нозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланиши қайд этилган. Ушбу Қонун талабларини бузган мансабдор шахслар (ахборот тармоқлари раҳбарлари) ҳуқуқбузарликнинг субъектидир.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар барчаси қасдан содир этилганлиги исботланиши лозим, маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51<sup>2</sup>–51<sup>5</sup> ва 51<sup>9</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик субъектлари **mansabdar shaxslar**, 51<sup>6</sup> ва 51<sup>8</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик субъектлари **ham jismoniy shaxslar**, **ham mansabdar shaxslar**, 51<sup>7</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик субъекти **jismoniy shaxslar** ҳисобланади.

Қайд этилган Қонун нормаларининг санкцияларида қатъий **bir mikdor belgilanmagani b'ilib**, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ўн бараваригача жарима, мансабдор шахсларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача **жарима маъмурий жазоси** қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **51<sup>2</sup>–51<sup>9</sup>-моддаларида** назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи округ комиссияларининг аъзолари маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги

бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 245-моддасининг биринчи қисмига кўра, мазкур ҳуқуқбузарликлар **жиноят ишлари бўйича судлар томонидан** кўриб чиқилади.

Суд амалиёти таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда 2019–2020 йиллар мобайнида жиноят ишлари бўйича судларда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг юқорида келтирилган моддалари билан боғлиқ **23 нафар шахсга оид 22 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш** кўриб чиқилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ушбу ҳуқуқлар жиноят қонунчилиги билан ҳам муҳофаза қилинади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддаларида белгиланган.

1. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гурухлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яшириллигини бузиш, сайлов ёки референдум хужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варакаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш (146-модда)<sup>11</sup>;

2. Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш (147-модда)<sup>12</sup>.

Ушбу харакатларни содир этиш, нафақат

сайлов жараёнига қарши, балки конституциявий принцип «халқ ҳокимиятчилиги» принципи ва фуқароларнинг Конституциядага кафолатланган **сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлариға қарши жиноятдир.**

Қайд этилган моддаларнинг диспозициясидан кўринишича, иккала ҳолатда ҳам жиноят қасдан содир этилади.

Биринчи ҳолатда 18 ёшга тўлган **мансабдор шахслар**, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орғанларининг вакиллари, ташаббускор гурӯҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда эса, алоҳида субъект белгиланмаганлиги сабабли 16 ёшга тўлган ақли расо **жисмоний шахслар** ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноят кодексининг **146-моддаси санкциясида** муқобил жазо турлари белгиланган бўлиб, улар базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима; уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари; уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Жиноят кодексининг **147-моддасида** ҳам муқобил жазо турлари: тўрут юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Суд амалиёти таҳлилларига кўра, Ўз-

бекистонда 2019–2020 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг юқорида келтирилган моддалари билан боғлиқ **5 нафар шахсга оид 3 та жиноят иши** кўриб чиқилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган демократик давлатларда ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Швейцария, Нидерландия, Германия каби давлатларнинг жиноят қонунчилигида сайловларни ўтказишига зўравонлик ёки қўрқитув йўли билан тўсқинлик қилиш, сайлов натижаларини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш, сайлов сирини ошкор қилиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик билан қаршилик кўрсатиш сингари қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига асосланган ва ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиёти ва тажрибасига ҳам мослигидан далолат беради.

Сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноят учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ ҳамда ошкоралиги тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, 25.06.2019 йил. – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекси, 25.01.2018 йил. – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.

<sup>3-10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 22.09.1994 йил. – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.

<sup>11-12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 22.09.1994 йил. – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.

## МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДА ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ: ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Хар қандай давлатнинг жиноят қонунчилигини ўрганишда дастлаб дуч келинадиган масалалардан бири жиноят қонунининг амал қилиш доирасидир. МДҲга аъзо давлатларда жиноят қонунининг амал қилиш доираси таҳлили ушбу йўналишда турли қоида ва механизmlар мустаҳкамланганлигини кўрсатди.

Жумладан, ушбу давлатларда жиноят қонунининг худуд бўйича амал қилиши ижтимоий ҳавфли қилмишнинг тегишли давлат ҳудудида ёки унинг худудидан ташқарида содир этилганинг, шунингдек жиноят содир этган шахснинг давлат билан ўзаро алоқасини белгилайдиган хуқуқий мақомига кўра фарқланади.

Барча давлатлар қонунчилигида мустаҳкамланган биринчи қоида тегишли давлат ҳудудида жиноят содир этган шахсларнинг ушбу давлатнинг жиноят қонунига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилишидир. Жумладан, Қозогистон Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, Қозогистон Республикаси худудида жиноят содир этган шахслар мазкур Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Худди шундай норма МДҲга аъзо барча давлатларнинг жиноят қонунчилигига мавжуд. Эътиборли жиҳати шундаки, МДҲга аъзо барча давлатларда ушбу ҳолат ҳеч қандай истисноларсиз, қатъий ва императив норма шаклида акс этирилган бўлса, Тожикистон Жиноят кодексида айрим истиснолар билан баён этилган. Ушбу Кодекснинг 14-моддасига кўра, Тожикистон худудида жиноят содир этган шахс, агар Тожикистон томонидан тан олинган халқаро-хуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мазкур Кодекс бўйича жавобгар бўлади.

Бошқа давлатларда ҳам худди шундай истиснолар амал қиласи. Чунки, барча давлатларда ўзлари ратификация қилган халқаро ҳужжатлар устуворлиги тан олинган. Жумладан, Қозогистон ЖКнинг 1-моддасига кўра, Қозогистон томонидан ратификация қилинган халқ-

аро шартномалар Қозогистон ЖК нормаларига нисбатан устувор ҳисбланади.

Таъкидлаш лозимки, МДҲ давлатлари қонунчилигига тегишли давлат ҳудудида содир этилган жиноят тушунчасига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Ушбу йўналишда МДҲ давлатлари қонунчилиги таҳлили асосида уларни тўртта гурухга ажратиш мумкин.

*Биринчи гуруҳ – Қозогистон<sup>1</sup> ва Озарбайжон<sup>2</sup> қонунчилигига кўра, тегишли давлат ҳудудида бошланган, давом этган ёки тугалланган қилмиш ушбу давлат ҳудудида содир этилган жиноят деб тан олинади.*

*Иккинчи гуруҳ – Туркманистон ва Қирғиз Республикаси қонунчилигига мазмунан биринчи гурухга яқин бўлса-да, аммо бошқа шаклдаги ҳолат ифодаланган. Яъни, Қирғиз Республикаси Жиноят кодексининг 5-моддасида бошқа давлат ҳудудида содир этилган жиноят учун, агар Қирғиз Республикаси худудида тугатилган ёки чек қўйилган бўлса, Қирғиз Республикаси ЖК бўйича жавобгарлик юзага келиши белгиланган.*

*Учинчи гуруҳ – Арманистон ва Беларусь Республикаси қонунчилигига тегишли давлат ҳудудида содир этилган жиноят тушунчasi қамрови жиноятда иштирокчилик мезонини ҳисобга олган ҳолда янада кенгайтирилган. Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 5-моддасига кўра, агар қилмиш Беларусь Республикаси худудида бошланган ёки давом этган ёки тугатилган ёхуд Беларусь Республикаси худудида жиноят содир этган шахс билан биргаликда содир этилган бўлса, Беларусь Республикаси худудида содир этилган жиноят деб тан олинади.*

*Тўртинчи гуруҳ – Тожикистон ва Молдава (шу жумладан, Ўзбекистон) қонунчилигига юқорида қайд этилган ҳолатларга жиноий оқибатнинг юзага келиши мезони қўшимча равища киритилган ҳолда, жиноят содир этилган худуд*

тушунчаси янада кенгайтирилган ва нисбатан аниқлаштирилган. Жумладан, Тожикистон ЖКнинг 14-моддасига кўра, қуидаги қилмишлар Тожикистон ҳудудида содир этилган жиноят деб эътироф этилиши керак: а) Тожикистон ҳудудида бошланган ёки давом этган ёки тамомланган; б) Тожикистон ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса ва жиноий оқибати унинг ҳудудида юзага келган бўлса; в) Тожикистон ҳудудида содир этилган бўлса ва жиноий оқибати унинг ташқарисида юзага келган бўлса; д) бошқа давлат ҳудудида жиноий харакатларни амалга оширган шахслар билан ҳамкорликда содир этилган бўлса.

Шунингдек, Молдова Жиноят кодексида ушбу масалалар бошқа давлатлар жиноят қонунчилигидан фарқли равишда «қилмиш содир этилган жой» деб номланган алоҳида 12-моддада тавсифланган<sup>3</sup>.

Жиноят қонунининг ҳудудга нисбатан амал қилиши таҳлилида яна бир муҳим қоида давлатларнинг сув ва ҳаво ҳудуди хисобланади. Жумладан, Россия Федерацияси (РФ) Жиноят кодексининг 11-моддасига кўра, РФнинг денгиз ва ҳаво ҳудуди доирасида содир этилган жиноятлар РФ ҳудудида содир этилган деб топилади. Шунингдек, РФнинг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, РФдан ташқарида очиқ сув ёки ҳаво космосида жойлашган, РФнинг портида рўйхатдан ўтказилган кемада жиноят содир этган шахс РФ ЖК бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. РФнинг ҳарбий кемасида ёки ҳарбий самолётида жиноят содир этган шахсга нисбатан, унинг жойлашган жойидан қатъи назар, РФ ЖКга мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келади<sup>4</sup>. Худди шундай нормалар бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам мавжуд.

Тегишли давлат ҳудудида жиноят содир этган шахсларнинг қилмишига нисбатан жиноят қонунининг амал қилиш доирасидаги яна бир эътиборли жиҳат хорижий давлатларнинг дипломатик вакиллари ва иммунитет ҳукуқидан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг қилмиши учун жиноят қонунчилигининг қўлланилиши масаласи ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, ушбу йўналишда барча давлатларнинг қарашлари деярли бир хил. Яъни, хорижий давлатларнинг дипломатик вакиллари ва иммунитет ҳукуқидан

фойдаланувчи бошқа шахсларнинг қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

Аммо, ушбу норма ҳам давлатларда икки хил шаклда ифодаланган. Жумладан, РФ, Козогистон, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон жиноят қонунчилигига ушбу қоидалар хорижий давлатларнинг дипломатик вакиллари ҳамда иммунитет ҳукуқидан фойдаланувчи бошқа шахсларга нисбатан қўлланилиши назарда тутилган бўлса, Қирғиз Республикаси, Беларусь Республикаси ва Молдовада хорижий давлатларнинг дипломатик вакиллари ҳамда тегишли равиша ушбу давлатнинг жиноий юрисдикцияси доирасига кирмаган фуқароларга нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилган.

Айни дамда Ўзбекистон қонунчилигига юқорида саналган давлатлар қонунчилигидан фарқли ҳолат, яъни чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган ҳолда, ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилиниши белгиланган. Бошқача айтганда, хорижий давлатларнинг дипломатик вакилларининг қилмиши ҳам ушбу тушунча доирасида қамраб олинган.

Жиноят қонунчилигига мустаҳкамланган иккинчи қоида муайян давлат ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят учун жиноят содир этган шахснинг давлат билан фуқаролик муносабатига, яъни ушбу давлат фуқароси, чет эл фуқароси ҳамда ушбу давлатда доимий яшовчи ва доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилганлигига кўра жиноят қонунчилиги қўлланилиши турлича талқин қилинишидир.

Жумладан, Молдова Жиноят кодексининг 11-моддасига кўра, Молдова фуқаролари ва Молдовада доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Молдова ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун мазкур Кодексга асосан жавобгарлик юзага келади. Таъкидлаш лозимки, ушбу моддада қайд этилган шахсларнинг Молдова ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун хорижий давлатда жиноий жавобгарликка тор-

тилганлиги ёки тортимаганлиги юзасидан аниқ тушунтириш берилмаган.

Бошқа давлатларнинг жиноят қонунчилигига шундай нормаларни кузатиш мумкин. Жумладан, РФ фуқаролари ва РФда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар РФ ҳудудидан ташқарида РФ ЖК билан муҳофаза қилинадиган манфаатларга қарши жиноятлар учун, башарти мазкур жиноят учун хорижий давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмаса, РФ ЖК билан жиноий жавобгарликка тортиладилар<sup>5</sup>.

Кўриб турганимиздек, РФ жиноят қонунчилигига бундай шахслар хорижий давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасаларгина РФ Жиноят кодекси билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, акс ҳолда РФ ЖК билан жиноий жавобгарлик юзага келмайди.

Муайян давлат фуқаролари ва ушбу давлатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан хорижий давлат ҳудудида содир этилган жиноят учун миллий қонунчиликнинг амал қилиши доираси юзасидан Арманистон ва Озарбайжон қонунчилигига қўшимча ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, Арманистон ҳудудидан ташқарида бўлган Арманистон фуқаролари ва Арманистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Арманистон Жиноят кодексининг 384, 386-391, 393-397-моддаларида<sup>6</sup> назарда тутилган жиноятларни содир этган тақдирда, бундай қилмиш жиноят содир этилган жойда давлатнинг жиноят қонунчилигига назарда тутилган ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, Арманистон Жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, Озарбайжон фуқаролари ва

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада МДҲга аъзо давлатларда жиноят қонунчилиги қиёсий-ҳукуқий таҳлил қилинган ҳолда, жиноят қонунининг амал қилиш доирасини белгиловчи нормалар мазмунни очиб берилган. Бунда жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши, хорижий давлат ҳудудида содир этилган жиноят бўйича судланганиликнинг ҳукуқий оқибатлари, экстрадиция қилиш масалалари, вақт бўйича амал қилиш, жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи бўйича МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигига тан олинган ёндашувлар қиёсий ўрганилган. Уларнинг ижобий тажрибаси асосида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** жиноят қонунининг амал қилиш доираси, ҳудуд бўйича амал қилиши, вақт бўйича амал қилиши, экстрадиция, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахс, чет эл фуқароси, сиёсий бошпана, давлат ҳудуди, қонунинг орқага қайтиш кучи.

Озарбайжонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Озарбайжон ҳудудидан ташқарида коррупция ва хизмат манфаатларига қарши бошқа жиноятлар содир этган бўлса, агар ушбу килмиши учун хорижий давлатда судланмаган бўлса, Озарбайжон Жиноят кодекси асосида жиноий жавобгарликка тортилади.

Миллий ҳудуддан ташқарида содир этилган жиноятлар билан боғлиқ яна бир муҳим масала бу чет эл фуқаролари ва муайян давлатда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ушбу давлат ҳудудидан ташқарида содир этган килмиши учун миллий жиноят қонунчилигининг амал қилиши ҳисобланади.

Умумий қабул қилинган қоидага кўра, чет эл фуқаролари, шунингдек муайян давлат ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу ҳудуддан ташқарида содир этган жиноятлари учун факат ҳалқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина миллий қонунчилик бўйича жавобгарликка тортиладилар. Ушбу қоида Ўзбекистон қонунчилигига ҳам мустаҳкамланган (ЖКнинг 12-моддаси).

Ўз навбатида, МДҲ давлатларида ушбу масалада ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Жумладан, Беларусь тажрибасига кўра, хорижий фуқаролар ёки Беларусь Республикасида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Беларусь Республикаси ҳудудидан ташқарида содир этган жинояти учун, агар ушбу қилмиш Беларусь Республикаси манфаатларига қарши қаратилган оғир ва ўта оғир жиноят ҳисобланса, Беларусь Республикаси ЖКГа мувофиқ жавобгарликка тортилади. Ҳудди шундай нормалар Арманистон, Тоҷикистон ва Туркманистон жиноят қонунчилигига белгиланган.

Демак, биз юкорида қайд этилган умумий қоидадан истисно тариқасида муайян давлат манфаатлари ёхуд ушбу давлатнинг фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун миллий қонунчилик қоидалари қўлланилиши мумкинлигини кузатдик.

Ушбу масалада жиноят қонунчилигининг амал қилишида коррупциявий қилмишларга алоҳида эътибор қаратилган Озарбайжон тажрибаси ҳам диққатга сазовор ҳисобланади. Унга кўра<sup>7</sup>, Озарбайжон худудидан ташқарида жиноят содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, уларнинг қилмиши Озарбайжон фуқароларига, Озарбайжон манфаатларига қарши қаратилган, шунингдек Озарбайжоннинг халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда, агар улар чет давлатда судланмаган бўлса, Озарбайжон Жиноят кодекси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Озарбайжондан ташқарида халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари, халқаро парламент ассамблеялари аъзолари, мансабдор шахслари ва судьялари бўлган Озарбайжон фуқаролари иштироқида коррупциявий жиноят ва хизмат манфаатларига қарши бошқа жиноят содир этган бўлса, халқаро судлар ва ушбу жиноят учун чет давлатда судланмаган бўлса, улар Озарбайжон Жиноят кодекси асосида жавобгарликка тортилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ЖКда биз юкорида қайд этган умумий қоиданинг ўзи мустаҳкамланган ва бошқа ҳолатларда жиноят қонунининг амал қилишига доир бирор норма мавжуд эмас. Бизнингча, юкорида қайд этилган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жумладан, чет эл фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон худудидан ташқарида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, Ўзбекистон фуқароларига қарши қаратилган оғир ёки ўта оғир жиноятлар ҳамда Ўзбекистон фуқароларига дахлдор коррупциявий қилмишлар учун Ўзбекистон ЖКнинг амал қилиши доирасига аниқлик киритиш лозим.

Таҳлил қилинадиган учинчи муҳим қоида жиноят содир этилган худуддан қатъи назар, миллий жиноят қонунчилигининг амал қилишига оид нормалар билан боғлиқдир. Жумладан, Ко-

зогистон фуқаролари, Қозогистон худудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан жиноят содир этилган худудидан қатъи назар, террорчилик ёки экстремистик жиноятлар ёки тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар ёхуд республиканинг ҳаётий манфаатларига бошқа жиддий зарар етказадиган жиноий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, агар Қозогистоннинг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Қозогистон ЖК қоидалари амал қиласди.

Шунингдек, ушбу масала бўйича Беларусь Республикаси тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят содир этилган жойнинг жиноят ҳуқуқидан қатъи назар, қуйидаги жиноятларга нисбатан Беларусь Республикаси ЖК қоидалари қўлланилади: 1) геноцид (127-модда); 2) инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар (128-модда); 3) тақиқланган уруш қуролларини ишлаб чиқариш, тўплаш ёки тарқатиш (129-модда); 4) экоцид (131-модда); 5) оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш (134-модда); 6) уруш қонунлари ва урф-одатларини бузиш (135-модда); 7) қуролли тўқнашувлар пайтида халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бузилиши жиноятлари (136-модда); 8) қуролли зиддият пайтида харакатсизлик ёки жиноий буйруқ бериш (137-модда); 9) одам савдоси (181-модда); 10) Беларусь Республикаси учун мажбурий бўлган халқаро шартнома асосида таъкиб қилинадиган Беларусь Республикасидан ташқарида содир этилган бошқа жиноятлар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ушбу масалага доир ҳеч қандай норма ва механизмлар назарда тутилмаган. Бизнингча, юкорида қайд этилган Қозогистон, Озарбайжон ва Беларусь Республикаси тажрибасидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни ҳам такомиллаштириш зарур.

*Тўртинчи қоида хорижий давлатларда содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилган шахслар бўйича судланганликнинг ҳуқуқий оқибати билан бевосита боғлиқ. Ушбу масала доирасида ҳам МДҲга аъзо давлатларда икки хил ёндашув мавжуд.*

*Биринчи ёндашув – Қозогистон ва Тожикистон тажрибасига кўра, бошқа давлат худудидаги содир этилган жиноят учун судланганлик миллий давлат худудида содир этилган жиноят учун жавобгар-*

лик түгрисидаги масалани ҳал қилиш учун жиноий-хукукий аҳамиятта эга эмас.

*Иккинчи ёндашув – Молдова, Арманистон ва Беларусь Республикаси тажрибасига кўра шахснинг чет давлат худудида содир этган жинояти учун жиноий-хукукий оқибатлари тегишли давлат худудида содир этган жиноятга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун жиноий-хукукий аҳамиятта эга. Жумладан, Молдовадан ташқарида содир этилган жиноятлар учун тайинланган жиноий жазо ва суд хукми Молдова ЖКга мувофиқ Молдова худудида ўша шахс томонидан содир этилган янги жиноят учун жазони индивидуаллаштиришда ҳамда суд инстанциясида амнистия масалаларини ҳал қилишда ҳисобга олинади<sup>8</sup>.*

Таъкидлаш лозимки, МДХга аъзо бошқа давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам хорижий давлат худудида жиноят содир этишнинг жиноят-хукукий оқибати бўйича хукукий ечим белгиланмаган. Бизнингча, юкорида қайд этилган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, миллий жиноят қонунчилигимизда ушбу хукукий бўшлиқни бартараф этиш лозим. Бунда шахснинг чет давлат худудида содир этган жинояти учун жиноий-хукукий оқибатлари Ўзбекистон худудида содир этган жиноят бўйича жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун жиноий-хукукий аҳамиятта эга эканлиги, шунингдек унинг шартларини Жиноят кодексида мустаҳкамлаш лозим.

Жиноят қонунининг амал қилиши доираси бўйича таҳлил қилинадиган кейинги муҳим масала жиноят содир этган шахсни экстрадиция қилиш ҳисобланади. Ўзбекистон ЖКнинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати худудида содир этган жинояти учун, агар ҳалқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас. Мамлакатимиз Жиноят кодексида шахсни ушлаб бериш (экстрадиция қилиш)га доир бошқа нормалар белгиланмаган.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, шахсни ушлаб беришга доир муносабатлар жиноят қонунчилиги билан нисбатан тўлиқ хукукий тартибга солинган.

Биринчидан, барча давлатлар жиноят қонунчилигига ушбу давлатнинг фуқароси чет эл давлати худудида содир этган жинояти учун ушлаб берилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Жумладан, РФ ЖКнинг 13-моддасига кўра, хорижий давлат худудида жиноят содир этган Россия Федерацияси фуқароси мазкур давлатга ушлаб берилмайди.

Таъкидлаш лозимки, бундай имтиёз Ўзбекистон, РФ, Қозогистон, Беларусь Республикаси, Озарбайжон, Арманистон, Тоҷикистон, Туркманистон жиноят қонунчилигига фақат ушбу давлатларнинг фуқаролариға нисбатан татбиқ этилган бўлса, Молдовада сиёсий бошпана олган шахсларга ҳам қўшимча равишда тақдим этилиши белгиланган<sup>9</sup>.

Бизнингча, ушбу ҳолатда Молдова тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий жиноят қонунчилиги Ўзбекистонда сиёсий бошпана олган шахсларни ушлаб бериш мумкин эмаслигига оид норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Бунда Ўзбекистон ЖКнинг 223-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана хукуқидан фойдаланиш учун кириш хужжатларини тегишли даражада расмийлаштирилмасдан Ўзбекистон Республикасиға келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилингандигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, деярли барча давлатлар жиноят қонунчилигига ушбу давлат худудидан ташқарида жиноят содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳалқаро шартномаларга асосан жиноий жавобгарликка тортиш ёки жазони ўташ учун чет давлатга топширилиши мумкинлиги белгилаган.

Агар давлат томонидан тан олинган бундай ҳалқаро шартномалар мавжуд бўлмаса, ушбу масала қандай ҳал қилинади, деган ҳақли савол юзага келиши табиий. Бундай ҳолатда шахс хорижий давлатга ушлаб берилмайди. Аммо, Беларусь ЖКда ушбу масала ҳам хукукий тартибга солинган. Унга кўра (7-модда), бундай ҳалқаро шартнома бўлмаган тақдирда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзаро муносабатлар принципи асосида Беларусь Республикаси қонунчилиги таъбларини ҳисобга олган ҳолда чет давлатга ушлаб берилиши мумкин.

Юкоридаги таҳлиллар асосида мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллардагина чет

давлатга топширилиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қайси ҳолатларда ушлаб берилишига йўл қўйилмаслигига доир қоидалар белгиланган.

Жумладан, Қозогистон ЖКнинг 9-моддасига кўра, агар хорижий давлатда шахсга нисбатан қийноқ, зўравонлик, бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо чоралари қўлланилиши, шунингдек, ўлим жазоси таҳди юзага келса ёки шундай таҳдид мавжудлигига ишониш учун жиддий асослар мавжуд бўлса, агар Қозогистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳеч ким чет давлатга экстрадиция қилиниши мумкин эмас.

Шунингдек, Арманистон жиноят қонунчилигида юқорида қайд этилган рўйхат нисбатан кенгайтирилган.

Ўз навбатида, Арманистон жиноят қонунчи-

лигининг ўзига хос жихати шундаки, ЖКда экстрадиция қилиш рад этилган тақдирда жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги масаласига аниқлик киритилган. Унга кўра, жиноят содир этган шахсни экстрадиция қилиш рад этилган тақдирда, чет эл давлати худудида содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш Арманистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилишга доир нормалар Жиноят-процессуал кодексида белгиланган (599-609-моддалар).

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чикиб, мазкур институтнинг жиноят-хукуқий жихатларини Жиноят кодексида мустаҳкамлаш ва уни «Жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш» деб номланган модда билан тўлдириш таклиф этилади.

### 3. НУРМАТОВ, ТДЮУ тадқиқотчиси

<sup>1</sup> Қозогистон ЖКнинг 7-моддасида Қозогистон Республикаси худудида бошланган, давом этган ёки тугалланган қилмиш Қозогистон Республикаси худудида содир этилган жиноий хукуқбузарлик деб тан олиниши белгиланган. // Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.12.2020 г.). // [www.online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575252](http://www.online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252).

<sup>2</sup> Озарбайжон ЖКнинг 11-моддасида Озарбайжон Республикаси худудида бошланган, давом этган ёки тамомланган жиноят Озарбайжон Республикаси худудида содир этилган деб тан олиниши мустаҳкамланган. // Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утверждён Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.10.2020 г.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30420353).

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=179;-162](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=179;-162).

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ (ред. от 05.04.2021, с изм. от 08.04.2021). // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/).

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ (ред. от 05.04.2021, с изм. от 08.04.2021). // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/).

<sup>6</sup> Арманистон ЖК: 384-моддаси. Агресив уруш; 386-модда. Оммавий кирғин қуролларини ишлаб чиқариш ёки тарқатиш; 387-модда. Үрушнинг тақиқланган воситалари ва усулларидан фойдаланиш; 388-модда. Чет давлат ёки ҳалқаро ташкилот вакилига қарши террористик харакатлар; 389-модда. Ҳалқаро терроризм; 390-модда. Қуролли низолар пайтида ҳалқаро гуманитар ҳукукнинг жиддий бузилиши; 391-модда. Қуролли можаро пайтида харакатсизлик ёки жиноий бўйруқ чиқариш; 393-модда. Геноцид; 394-модда. Экоцид; 395-модда. Ёлланиш; 396-модда. Ҳалқаро химоядан фойдаланадиган шахсларга ёки муассасаларга ҳужум қилиш; 397-модда. Ҳалқаро шартномалар билан химояланган ўзига хос белгиларни ноконуний равишида ишлатиш. // Уголовный Кодекс Республики Армения // [www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#2](http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#2).

<sup>7</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утверждён Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.10.2020 г.). // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30420353).

<sup>8</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=179;-162](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=179;-162).

<sup>9</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=179;-162](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=179;-162).

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан биридир.

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва бу борада кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фарзандликка олиш натижасида бола учун янгидан оиласиб-хукукий муносабат вужудга келади, худди оиласида янгидан фарзанд дунёга келгани каби, фарзандликка оловчи ота-онага қонун томонидан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига кўра, фарзандликка олишга факат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина қўзлаб йўл қўйилади. Бола манфаатлари дейилганда, биринчи навбатда, унинг жисмоний, рухий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратиш тушунилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида «фарзандликка олиш» тушунчасига қўйидаги таърифи бермоқчимиз: «Фарзандликка олиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олиш ва фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ўргасида шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишидир».

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига яқин вақтларга қадар фарзандликка олишнинг маъмурий тартиби амал қилиган. Маъмурий тартибда фарзандликка олиш фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига, васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилар эди.

Оила қонунчилигининг ривожланиши фарзандликка олиш институтига ҳам таъсир кўрсатди ва маъмурий тартиб ўрнига фарзандликка олишнинг суд тартиби жорий қилинди<sup>1</sup>.

Бу эса, жаҳон тажрибасига мос келади. Чунки, АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган давлатларда, шунингдек МДҲ давлатларининг аксариятида фарзандликка олиш масаласи суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 293-моддасига мувофиқ, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида

кўриладиган ишлар тоифасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар киритилди. Оила қонунчилигига бўлган ўзгаришлар натижасида фуқаролик процессуал қонунчилиқда ҳам бу борада муайян ўзгаришлар киритилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг алоҳида боби (29-боб) фарзандликка олишга багишиланди.

2013 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор бундай тоифадаги ишларнинг судларда қонуний, асосли, тез ва сифатли кўриб чиқилишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқлидир.

Ўзбекистон худудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шаҳслар томонидан Ўзбекистон фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам Оила кодексининг 151–167-моддаларининг талабларига роиоя қилиниши лозим<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда боланинг қонуний вакили ва бола фуқароликка эга бўлган давлат ваколатли органининг розилиги, шунингдек агар ўша давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ талаб қилинса, фарзандликка олиш ҳақида боланинг ҳам розилиги олинниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка оловчининг кайси фуқароликка мансублигидан қатти назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, фарзандликка олинган тақдирда эса, у суд тартибида бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон худудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шаҳслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судига беради.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) ариза-сига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳакидаги хуносаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш фактининг сир сакланиши қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқини таъминлаш тўғрисида»<sup>1</sup>ги 4-сонли қарорининг 7-бандига кўра, иш муҳокамаси тўлик ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилишига фақат қонунда назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлиси залига эркин киришига тўқсинглик қиласиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак<sup>4</sup>.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очик бўлиши лозим.

Вояга етмаган шахснинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари тегишли ёпиқ суд мажлисида кўрилган фуқаролик иши бўйича суд қарори (масалан, фарзандликка олиш ҳакидаги) ошкора эълон қилинмайди.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичida ушбу ҳал қилув қароридан кўчирма нусхасини фарзандликка олинаётган боланинг

туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, фарзандликка олиш тартиби мураккаб ҳамда кўп ҳужжат талаб қилинадиган жараён бўлиб қолмоқда.

Қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида бир қатор ҳукуқий бўшликлар ва бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда хорижий мамлақатларнинг илгор тажрибасидан келиб чиқиб, қуидагилар таклиф этилади:

қонунчиликда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўришда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчиларнинг ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт эканлиги, ўтгай ота ва ўтгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснолиги белгиланган. Лекин, ушбу тоифадаги ишларни кўришда аризачиларнинг энг катта ёши кўрсатилмаган. Шу сабабли, аризачиларнинг энг катта ёшини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир;

яқин қариндошлар томонидан фарзандликка олишнинг соддалаштирилган тартиби ҳам мавжуд эмас. Мазкур ҳолат яқин қариндошлар томонидан фарзандликка олишда одатдаги тартибдаги дик, бир хил жараёнлардан ўтишга, расмийлаштириш муддатларининг узайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, болаларни фарзандликка олишдан кўра, васийликка олиш ҳолатлари сони ошиб бормоқда.

Қонун нормаларини такомиллаштириш йўли билан бу муаммоларни ҳам бартараф этиш давр талабидир.

**А. СЕЙТНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби магистранти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳакидаги ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида»<sup>3</sup>ги 21-сонли қарори. <http://lex.uz>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 18-сон, 237-модда).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқини таъминлаш тўғрисида»<sup>1</sup>ги 4-сонли қарори. Lex.Uz.

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият на-  
тижаси бўлган фан, адабиёт ва санъат асарла-  
рига тааллуқлидир ҳамда муаллиф учун аҳа-  
мияти юқори. Асар кимнинг ижодий меҳнати  
маҳсули билан яратилган бўлса, ана шу фуқа-  
ро асарнинг муаллифи деб эътироф этилади  
ва бу асарни яратган одамнинг фуқаролиги  
ва ёши аҳамиятга эга эмас. Эркин ижодкор,  
шунингдек ноёб қобилият сохиби томонидан  
яратилган асар шахснинг ўзига тегишилиги,  
бу асарни яратиш давомида кетган машаққат-  
ли вақти ва ички кечинмаларини ифода этган-  
лиги асарни яратган муаллифнинг ўзига аён.  
Ижодкор ўз асари орқали маънавий бойлик  
яратади ва уни кенг жамоатчиликка намойиш  
қиласди. Асар муаллифи ўз асарини ёзиш жа-  
раёнида ички кечинмалар, ҳаётий воқеалар,  
муаммоли вазиятларни бадиий образларда  
ифодалаш орқали ўз ижод намунасини юзага  
келтиради.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан  
сўнг фан, санъат ва адабиёт соҳасини ривож-  
лантириш бўйича ислоҳотлар амалга оширил-  
ди. Хусусан, 1886 йил 9 сентябрда Швейца-  
рияда қабул қилинган «Илм-фан, адабиёт ва  
санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш» бўйича Берн Конвенциясига  
2005 йилда аъзо бўлган ҳамда шунга асосан  
2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг  
халқаро ҳуқуқий меъёрларига мос келадиган  
«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар  
тўғрисида»ги Конуни янги таҳрирда қабул  
қилинди. Муаллифлик ҳуқуқи ғоя (фикр)  
ёки маълумотнинг маълум бир кўринишдаги  
ифодаланишини тартибга солувчи эксклюзив  
ҳуқуқлар мажмуудир. Умумий қилиб айт-  
ганда, сўзма-сўз «кўчириш (нусха олиш)га  
бўлган ҳуқуқ»дир. Асарга нисбатан субъек-  
тив ҳуқуқларга эга бўлган шахс муаллифлик  
ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади.

Ўзбекистон қонунлари бўйича муаллиф-  
лик субъектив ҳуқуқларига Ўзбекистон фуқаролари  
ва чет эл фуқаролари, уларнинг ворислари  
ва бошқа ҳуқуқни қабул қилувчилар, шунингдек  
Ўзбекистоннинг ўзи эга бўлиши мумкин. Юқоридаги ҳар бир субъект учун  
асарга нисбатан ҳуқуқ турлича юридик фактлар  
ассосида вужудга келади. Муаллифлик ҳуқуқининг мухим субъекти ўз ижодий фаолияти  
билан асар яратган шахс ҳисобланади. Ҳар қандай шахс асар муаллифи бўлиши мумкин,  
ҳосила асарларга нисбатан ҳам муаллифлик ҳуқуқи тан олинади<sup>1</sup>. Бундан ташқари,  
ижодий асарлар вояга етмаганлар, ўсмирлар  
томонидан, шунингдек муомалага лаёқатсиз  
ёхуд муомала лаёқати чекланган шахслар  
томонидан ҳам яратилиши мумкин. Бундай  
тоифадаги шахсларнинг асарга нисбатан му-  
аллифлик ҳуқуқлари уларнинг ота-оналари,  
васий ёки ҳомийлари томонидан амалга оширилади.  
Жумладан, вояга етмаганлар номидан  
муаллифлик шартномаларини уларнинг  
ота-оналари ёхуд қонуний вакиллари тузади.  
Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга  
етмаганлар ўз муаллифлик ҳуқуқларини мустақил  
амалга оширади.

Ўзбекистон қонунлари бўйича жисмоний  
шахслар билан бир каторда юридик шахслар  
ҳам муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин.  
Агар юридик шахслар ижодкор ҳуқуқларини  
қабул қилувчи бўлиб ҳисобланса, унинг  
муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлиши ҳеч  
қандай шубҳа туғдирмайди. Масалан, юри-  
дик шахс айрим муаллифлик ваколатларига  
муаллиф хизмат вазифасини бажариш вақтида  
асар яратган ҳолларда эга бўлиши мумкин.  
Барча ҳолларда юридик шахс илк маротаба  
жисмоний шахс ижодкор эга бўлган муаллиф-  
лик ҳуқуқларига қонунда кўрсатилган асослар  
бўйича ҳосила тарзда эга бўлади. Чунки,

ижод қилиш, яратиш фақат инсонгагина хос хусусиятдир. Муайян жисмоний шахс (шахслар)нинг ижодий меҳнатини ўз ичига камраб олмаган юридик шахснинг қандайдир ижодий фаолияти тўғрисида сўз юритиш мантиққа зиддир. Юридик шахс фақатгина жисмоний шахсларнинг эркин ижод қилиши учун моддий шарт-шароит яратишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар кўрганлиги тўғрисида гапириш мумкин, аммо бундай хатти-ҳаракатлар юридик шахснинг дастлабки муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлишини билдирамайди. Муаллифлик ҳуқуқларининг субъектлари нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистонда биринчи марта чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-бир объектив шаклда унинг худудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки Ўзбекистон ҳудудида амал қиласди. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуки муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Глобал ривожланиш жараёнида технологияларнинг кескин равишда инсон онгидан ўзиб кетиши одамни бирмунча шошилтириб қўймоқда. Гап асар муаллифининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бориб тақалганда қонунчилигимиз бу глобал ривожланиш жараёни билан баравар юриши тақозо этилади.

Айтиш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177<sup>1</sup>-моддасида муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун маъмурий таъсир чораси белгиланган. Аммо, гап фуқаронинг мутлақ ҳуқуклари ҳақида кетганида, албатта, бунинг натижасида маънавий зарар ва бой берилган фойданни ундириш муаллифнинг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларнинг тикланишига олиб келади. Бизга маълумки, фуқаровий-ҳуқукий муносабатларда зарар деганда, ҳуқуки бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуки бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли<sup>2</sup>. Асар муаллифига етказилган зарар муаллифнинг рухсатисиз ўзига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқларни бузиш орқали юзага келади. Ҳозирда муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар бузилишининг энг кенг тарқалган турларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

нусха олиш (китоблар, мақолалар, картиналарни қайта кўпайтириш);

асарни тарқатиш (ижара, сотув, дастурий таъминотни ўрнатиш ва бошқалар.);

оммавий намойиш қилиш, асарларни концерт заллари, театр кабиларда оммавий ижро этиш;

асарни радио, телевидение сингарилар орқали эфирга узатиш, бошқа тилларга таржима қилиш, қайта ишлаш (плагиат).

Буларнинг тўлиқ рўйхатини келтиришнинг иложи йўқ. Чунки, ҳуқуқбузарлар асарларни ўзлаштиришнинг янгидан-янги йўлларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда топишмоқда. Яна ҳуқуқбузарларниң шундай тоифаси борки, улар ҳар доим ҳам контрафакция<sup>3</sup> билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, буларга муаллифлик гонорарини тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик; муаллифнинг тегишли рухсатини олмасдан асарни нашр этиш; ҳақиқий муаллифнинг исмини кўрсатмасдан нашр этиш кабилар киради.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Фуқаролик кодексининг 11-моддасида келтирилган умумий усусларидан ташқари, қонунчилик муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг маҳсус имкониятларини ҳам кўзда тутади. «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига биноан муаллиф, турдош ҳуқуклар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қўйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

1) ҳуқуқлар тан олишини;

2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишни;

3) ҳуқуқ эгасининг ҳуқуки бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одат-

даги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги заарларнинг ўрни қопланишини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа заарлар билан бир қаторда бой берилган фойданинг бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қопланишини;

4) заарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда заарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товоң тўланишини;

5) қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар кўришни.

Муаллиф ва ижрочи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳаклидир. Муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ёки уни тўхтатиш учун зарур чоралар кўриш натижасида учинчи шахсларга етказилган заарлар, шунингдек бундай чораларни амалга оширган шахс кўрган заарлар ҳуқуқбузар ҳисобидан ундириб олиниши керак.

Муаллифлик асарлари интеллектуал мулк объектлари қаторига киргани боис, Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари тўғрисидаги 1040-моддасидан ҳам фойдаланса бўлади. Мазкур моддага биноан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қуидагилар орқали амалга оширилиши мумкин:

1) йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий тарзда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

2) мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижаси-

да яратилган моддий обьектларни олиб қўйиш орқали.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади. Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг мусодара қилинган контрафакт нусхалари йўқ қилиниши керак, уларни ҳуқуқ эгасига унинг илтимосига биноан топшириш ҳоллари бундан мустасно<sup>4</sup>.

Масалан, агар даврий босма нашр (журнал, газета) мақоланинг муаллифи руҳсатисиз ва розилигисиз унинг мақоласини эълон қилса, суд қарорига кўра ушбу ташкилотдан нафақат нашрнинг бутун бошли адади, балки барча босмахона матбаа ускуналари, босиши бўёғи, принтер ва ҳуқуқбузарликни амалга ошириш йўлида хизмат қилган бошқа жиҳозлар олиб қўйилади. Ушбу чора камида ноширлик фаолиятини тўхтатиб қўяди ва катта харажатларга олиб келади, кам бюджетли бизнес ҳолатида эса, уни умуман тўхтатади. Агар ҳимоянинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини қўллаш керак бўлса, у фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро судга даъво аризаси бериш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқ эгаси ҳуқуқбузарга нисбатан қонунда белгиланган талаб (ёки бир нечта талаб)ларнинг қай бирини қўйишни танлаб олишга ҳақли.

**А. РАЖАБОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Шайхонтохур туманлараро  
суди судьяси,

**Х. РАВШАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Тошкент, 1995 йил 21 декабрь 163-І-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Тошкент, 1995 йил 21 декабрь 163-І-сон.

<sup>3</sup> Контрафакт – Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда мавжуд бўлган асл нусхасига асосланган янги маҳсулот: соҳта истеъмол товарлари. <http://ru.wikipedia.org>.

<sup>4</sup> «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2006 йил 20 июль, ЎРҚ-42сон.

## ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан фермерлик фаолиятини тартибга солувчи конун хужжатларини такомиллаштириш мақсадида таҳлил-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан унда бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, тегишли ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясида ҳам қишлоқ хўжалиги тармогини модернизация қилиш ва бошқарувнинг замонавий тизимини яратиш, унда давлат иштирокини камайтириш ва хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш сингари бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Бироқ, фермерлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида қонунчиликда ҳукуқий бўшлиқлар ва камчиликлар ҳамон мавжуд. Хусусан, фермерлар амалда ҳокимларнинг тазикларидан, шартномаларни ўзи истаган тараф билан туза олмаётганидан, мулклари ёки ерлари тортиб олинишидан жабр кўрмоқда.

Мазкур муаммоларнинг сабаблари қуйидагилардан изборат:

- Шартнома эркинлигининг бузилиши.* Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуннинг 17-моддасида фермер хўжалиги тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаши шартлиги белгиланган.

Ушбу Конуннинг 32-моддасида контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганида ер участкасини

олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса, ҳатто фермер хўжалиги тугатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориши тартиби тўғрисидағи Низомда эса туман (шаҳар)лар ҳокимларни ўз ваколатлари доирасида хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида давлат эҳтиёжлари учун шартномалар тузилиши ва бажарилиши бўйича ишларни мувофиқлаштирадилар, деб белгиланган.

Шунга ўхшаш норма Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сонли қарорида ҳам белгиланган. Хусусан, ҳокимлар фермер хўжаликлари рўйхатини белгилаши ҳамда уларга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари билан контрактация шартномаларини тузишда амалий ёрдам кўрсатиши назарда тутилган.

Мисол учун, бугунги кунда фермер ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида тузиладиган пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш юзасидан тўғридан-тўғри контрактация шартномалари тузилмоқда. Бунда, фермер етиштирилган пахта хом ашёсини тўқимачилик корхонасига контрактация шартномасида назарда тутилган микдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Бироқ, кўпинча мазкур шартномалар шартнома эркинлиги принципларига зид равишида тузилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сонли қарори билан эса туман (шаҳар)лар ҳокимлари

қарори асосида фермер хўжаликлари муайян пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналарига бириктирилмоқда.

Ҳокимларнинг ушбу ваколати уларнинг фермер хўжаликлари фаолиятига бевосита аралашшига сабаб бўлмоқда, фермер хўжаликларининг мустақил тарзда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномавий муносабатларга киришишига тўсқинлик қилмоқда. Оқибатда, фермер хўжалиги шартноманинг иккинчи тарафини, шартноманинг шартларини эркин танлай олмаяпти ва унинг эркинликлари бузилмоқда. Ҳатто, амалиётда шартномада кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдор ва ассортименти қўрсатилмасдан, фермерларга мажбурий равишда шартномани имзолатиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Масалан, 2020 йил 20 февралда Фаргона вилояти Фурқат туманидаги 77 нафар фермер хўжалиги вакиллари хукуматга йўллаган хатида «бўш шартнома»ни имзолашга мажбур бўлганликларини, унда кластерга етказиб беришлари керак бўлган пахта миқдори кейинчалик кўшиб кўйилганини таъкидлаган.

Умуман олганда, контрактация шартномасининг мазмуни бугунги бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлиб, шартнома тузиш эркинлиги принципини таъминламайди. Ушбу шартнома тури фақат собиқ социалистик давлатлар қонунчилигига назарда тутилган, ривожланган давлатлар қонунчилигига бу шартнома тури учрамайди.

Шу боис, фермер хўжаликлари, кишлоқ хўжалигининг бошқа ишлаб чиқарувчилари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўргасида бозорга хос муносабатларни янада ривожлантиришга, фермер хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлигини, шартномавий муносабатларда тарафлар эркинлигини таъминлашга қаратилган тегишли ўзгартириш ва кўшимчаларни қонун хужжатларига киритиш таклиф этилади;

2. *Мулк ҳуқуқи кафолатларига зид қоидаларининг мавжудлиги.* «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Унга кўра, бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дараҳтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк

объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуки фермер хўжалигига қарашлидир.

Фермер хўжалиги бошлигининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар (фойда), қимматли қофозлардан келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, сотиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги тутатилаётганда фаолиятини амалга ошириш даврида ўз маблағлари ҳисобига яратилган мол-мулкни қонун хужжатларида белгиланган тартибда эркин тасарруф этиши мумкин.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари фермерларнинг мулк ҳуқуқини бузмоқда. Ушбу Низомга кўра, фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларини яроқсиз деб топиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Низомга кўра, фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан олти ой муддатда:

яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорни бузиш ҳамда далани дараҳт қолдиқларидан (илдизларидан) тозалаш;

яроқсиз деб топилган боғ ёки токзор ўрнида интенсив боғ ёки токзор барпо қилиш ишларини амалга оширади.

Кўриниб турибдики, фермернинг мулкида бўлган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш ҳолати туман (шахар) ҳокимликлари ихтиёрига боғлиқ қилиб қўйилган бўлиб, бу ўз навбатида фермерларнинг мулк ҳуқуқига дахл қилмоқда;

*3. Ер муносабатларини тартибга солишдаги муаммолар.* Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар фермер хўжаликлари нинг бундай ерлардан самарали фойдаланишига имкон бермайди.

Хусусан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасида фермер хўжаликлири юритиш учун ер участкалари очик танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши белгиланган.

Бироқ, фермер хўжалиги фаолияти амалда ер участкасини ижарага олиш шартномаси билан чегараланиб қолмоқда. Яъни, ушбу Конуннинг 32-моддасида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун хўжжатларини бузганлик учун, шу жумладан, фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилиниши муносабати билан фермер хўжалиги тутатилиши назарда тутилган.

Мазкур нормада фермер хўжалигининг тутатилиши ва ер майдонининг олиб қўйилиши бир-бирига боғлиқ қилиб қўйилган. Таъкидаш керакки, фермерлар томонидан контрактация шартномаларини бузганлик ижара шартномаси бекор қилиниши ва фермер хўжалиги тутатилиши орқали эмас, балки шартномавий қоидалар орқали тартибга солиниши лозим.

Бундан ташкари, Ер кодексининг 53 ва 55-моддаларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар узоқ муддатли ижарага факат фермер хўжаликлирига ёки фуқароларга дехкон хўжалиги шаклида юридик шахс ташкил этиш шарти билан берилиши белгиланган. Аммо, мазкур норма бошқа шаклдаги юридик шахсларнинг (масалан, МЧЖ, ҚМЖ, АЖ сингари) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш

учун узоқ муддатли ижарага ер олиш имкониятларини чекламоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалиги соҳасига янги иштироқчилар ва уларнинг маблағлари кириб келишига тўсиқ бўлмоқда.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуну кўрсатадики, Литванинг «Ер тўғрисида»ги Конуннинг 9-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг Хукумат томонидан белгиланган тартибда ким ошди савдоларини ўтказмасдан ижарага берилиши белгиланган.

Хитойнинг «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги Конунида ер участкалари ижара шартномалари га мувофиқ давлат идораларига, корхона ва мусассасаларга, фермер хўжаликлари жамоаларига ва жисмоний шахсларга, шунингдек хорижий капитал иштироқидаги корхоналарга берилиши, ерга бўлган мулк ҳуқуқи ўзгаришсиз қолиши, шартнома бўйича ер сотиб олиниши ёки сотилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган. Ердан фойдаланишининг энг кам муддати 50 йилни ташкил қиласи.

Беларусь Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Конуннинг 2-моддасида Беларусь Республикасининг меҳнатга лаёқатли фуқаролари, Беларусь Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фермер хўжалигини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Кўриниб турибдики, ерни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи нафақат фермер ёки дехкон хўжаликларига, балки жисмоний ва юридик шахсларга ҳам берилиши мумкин;

*4. Фермерлар таъминотида камчиликларнинг маъжудлиги.* Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишитирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориши тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига кўра, моддий-техника ресурслари (эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилги-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича етказиб берувчи ташкилот хўжаликка ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид ки-

ладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади, хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Фермерларга уруғ, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш тартиблари ҳар доим ҳам шаффоф эмас. Етказиб бе-рувчилар ўргасида рақобат муҳити яратилмаган, кўплаб худудларда бу иш билан асосан маҳаллий мансабдорларга алоқадор ташкилотлар шугуулнади. Оқибатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар юқорилигича қолмоқда. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1 гектар ер майдонини ҳайдовдан чиқариш учун 250-280 кг ёқилғи сарфланади, АҚШда бу кўрсаткич 140 кгга тенг.

Германияда маҳсулот нархида умумий сарф-харажатлар улуши 7 фоизга тенг бўлган ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 20 фоизга етади.

Кузатишларга кўра, фермер хўжаликлари-га ёқилғи, минерал ўғитлар ва кимёвий ҳимоя воситалари етказиб бериш жараёнидаги ноқонуний хатти-харакатлар бундай харажатларнинг асоссиз даражада юқорилиги сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Яъни, етказиб берилган деб расмийлаштирилган ресурсларнинг 20-30 фоизигача бўлган миқдори аслида фермерларга етиб бормайди, лекин бу сарф-харажатларни қоплаш бевосита фермерлар зиммасига тушмоқда;

*5. Инвестиция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиши.* Соҳага инвестициялар жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги сабабли қишлоқ хўжалигига давлат сарф-харажатлари юқорилигича қолмоқда. Соҳага давлат томонидан сарфланаётган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,68 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилотига (ИҲТТ) кирмайдиган ўргача даражадаги даромадли давлатларга нисбатан қарийб уч баравар ва ИҲТТга аъзо мамлакатларга нисбатан ўн баравар кўп.

Фермер хўжаликлари томонидан инвестицияларни жалб қилишга қаратилган давлат дастурлари мавжуд эмас.

Хорижий давлатлар, жумладан, Японияда 2002 йил 29 майда «Қишлоқ хўжалиги корпорацияларига инвестицияларни жалб қилишни соддлаштириш бўйича маҳсус чора-тадбирлар тўғрисида» Конун қабул қилинган.

Мазкур Конунга кўра, акциядорлик жамияти ўз бизнесига инвестицияларни жалб қилиш бўйича режа тайёрлаб, уни қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги вазирига тасдиқлаш учун тақдим этиши лозим. Режа маъкуллангандан сўнг инвестиция маблағлари тўғридан-тўғри жалб қилинади.

Канадада қишлоқ хўжалигига инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш мақсадида янги сотиб олинган ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари учун 100 % солиқлардан озод қилинши ўз ичига олган федерал солиқ имтиёзлари жорий этилган;

*6. Фермерларнинг биргаликдаги фаолияти.* «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуннинг 25-моддасида фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, курилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсенидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкинлиги, шунингдек фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийлиги белгиланган.

Бироқ, фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийлиги ҳақидаги талаб, аввало, амалдаги конунларга зид ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуннинг 2-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш ихтиёрий бўлгани ҳолда, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конунда бу ҳолат мажбурий этиб белгиланган.

Холбуки, ривожланган давлатларда бунга мутлақо йўл қўйилмайди;

*7. Фермерларни қўллаб-қувватлаш.* «Фер-

мер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш шакллари келтирилган бўлиб, уларнинг мазмуни замонавий фермер хўжаликларини ташкил этишга қаратилмаган.

Хусусан, ривожланган дунё мамлакатларида ёш фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, Литвада Қайта қуриш ва ривожланиш дастури (The Reconstruction and Development Programme) томонидан ёш фермерларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси рўёбга чиқарилмоқда.

Европа Комиссиясининг Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш бўйича Боз дирекциясининг Осиё-Австралия бўлими директори Антония Моренонинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда глобал қишлоқ хўжалиги аҳолининг қарипши муаммосига дуч келмоқда, ёш фермерлар эса қишлоқ хўжалигини тиклашнинг қалитидир, улар сиёсатчилар билан мулоқот қилишлари, сиёсатни қўллаб-қувватлашлари, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашлари керак.

Канадада фермерларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўплаб имкониятлар яратилган. Хусусан, Илмий тадқиқотлар ва экспериментал ривожланиш (The Scientific Research and Experimental Development) дастури тегишили илмий-тадқиқот ишлари бўйича харажатлар учун солиқ имтиёzlари ва сарф килинган маблағларни қайташишни таъминлайди. Стратегик инновация жамғармаси (The Strategic Innovation Fund) эса қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги-озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасига рақамли технологияларни ривожлантириш учун 50 млн долларгача маблағ ажратади. Бундан ташқари, Advance Payments Program, AgriInnovate Program, AgriInsurance Program, AgriScience Program дастурлари хам мавжуд.

Кореяда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фан ва АКТ вазирлиги томонидан ақлли фермер хўжаликлари лойиҳаси (Smart K-Farm Model) амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштиришга, шартнома эркинлиги ва мулк ҳукуқи кафолат-

ларини таъминлашга, соҳага инвестицияларни жалб этишга қаратилган куйидаги таклифларни бериш мумкин:

- фермер хўжаликлари фаолиятидаги шартномавий муносабатларда шартнома эркинлигини таъминлаш, шу мақсадда, контрактация шартномаларига оид қоидаларни Фуқаролик кодексидан чиқариб ташлаш ҳамда фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасида тузиладиган шартномаларга олди-сотди шартномалари қоидалари қўлланилишини белгилаш;

- туман (шаҳар) ҳокимликларининг фермер хўжаликлари фаолиятига аралашувларини камайтириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиш;

- фермерларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан фойдаланиш ҳукуқлари ҳимоясини кучайтириш ва ижара шартномалари эркинлигини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини танлов асосида беришда фермер ва дехқон хўжаликлари билан бир қаторда, бошқа шаклдаги юридик шахсларнинг қатнашишига ҳам имкон яратиш;

- фермер хўжаликларига ёқилғи, минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситаларини етказиб беришда рақобатни шакллантириш;

- қишлоқ хўжалигига инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш мақсадида маҳсус норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийлигини бекор қилиш;

- давлат томонидан ёш фермерларни қўллаб-қувватлашга, қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**А. САФАРОВА,  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳукуқий сиёsat тадқиқот  
институти масъул ходими**

## СУФУРТАГА ОИД НИЗОЛАР

Мамлакатимизда молия бозорини яна-да ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суфурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суфурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суфурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида суфурта тизимишнинг ривожланиши тараққий этган жамиятнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Маълумки, табиий, ижтимоий-иқтисодий характердаги турли омиллар натижасида фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг мол-мулкига ёки шахсига етказилган зарарнинг тезроқ қопланишини таъминлаш уларни суфурта қилиш орқали амалга оширилади.

«Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, суфурта деганда, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суфурта мукофотларидан, шунингдек суфурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суфурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суфурта шартномасига муво-

фиқ суфурта товонини (суфурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларни ҳимоя қилиш тушунилади<sup>2</sup>.

Суфурта орқали етказилган заарни қоплаш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар суфурта шартномасидан келиб чиқади.

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва қонунларида суфурта шартномасига таъриф берилмаган бўлса-да, унинг қуйидаги турлари келтириб ўтилган: мажбурият даражаси бўйича ихтиёрий ва мажбурий; суфурта обьекти бўйича шахсий ва мулкий суфурта шартномалари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бизнес соҳаси учун суфурta хизматлари кўрсатишининг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, суфурta шартномаси ёзма келишув бўлиб, унга кўра суфурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суфурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суфурta ҳодисаси) содир бўлганда суфурta қилдирувчига суфурta товонини (суфурta пулини) тўлаш мажбуриятини олади<sup>3</sup>.

Иқтисодий судлар амалиётини умумлаштириш натижалари суфурta фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларини қўллаш билан боғлиқ низоларнинг кўпаяётганини кўрсатмоқда.

Биргина, Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан 2020 йилнинг 1-чораги давомида 13 та суфурta низоси кўрилган бўлса, 2021 йилнинг мос даврида ушбу тоифадаги 37 та низо кўриб чиқилган.

Жорий йилда кўрилган 37 та ишнинг 18 таси бўйича даъволар қаноатлантирилган бўлиб, 8 таси рад қилинган, 8 таси кўрмасдан қолдирилган, 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Суѓурта низоларини ҳал қилишда судлар Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суѓурта килиш тўғрисида», «Иш берувчнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суѓурта қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суѓуртаси тўғрисида» ва «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суѓурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар, Иқтисодий процесдурулган кодекси, шунингдек суѓурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга асосланади.

Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Судлар томонидан суѓурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун хужжатларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 45-сонли қарори суѓурта низоларини ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда Фуқаролик кодексининг суѓурта фаолиятини тартибига солувчи нормаларини амалиётда қўллаш бўйича зарурий тушунишилар берилган.

Низони қонуний ва асосли ҳал этиш учун судьялар юқоридаги қонун хужжатлари талабларини мукаммал билиши ҳамда амалда қўллай олиши лозим.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 927-моддасида суѓурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозимлиги, бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлиши, суѓурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суѓурталовчи томонидан суѓурта қилди-

рувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суѓурталовчи имзолаган, суѓурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суѓурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан ҳам тузилиши мумкинлиги, бу холда суѓурта қилдирувчининг суѓурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суѓурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суѓурта мукофоти тўлаш ёхуд суѓурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда – биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланиши белгиланган<sup>4</sup>.

Масалан, «Бек гарант» МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар суѓурта компаниясидан 10 719 452,8 сўм суѓурта мукофоти учун тўланган пул маблағини қайтаришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар «Hamkorbank» АТБга кредит олиш тўғрисида мурожаат қилиб, кредит таъминоти сифатида «Савдо плюс» МЧЖга тегишли бўлган нотуар бинони гаров сифатида таклиф этган.

Гаров таъминоти сифатида таклиф этилаётган мулкни суѓурта қилиш учун суѓурталовчи, даъвогар (суѓурта қилдирувчи), «Савдо плюс» МЧЖ (гаровга қўювчи) ҳамда «Hamkorbank» АТБ ўртасида 2018 йил 27 марта гаровга қўйилаётган мол-мулкни суѓурталаш ҳақида шартнома тузилган.

Шартноманинг 5.3-бандида суѓурта полиси суѓурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суѓурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин З банк куни ичига суѓурта мукофоти тўланган суѓурта муддати учун берилиши белгиланган.

Шартнома шартларига кўра, даъвогар 2018 йил 27 марта 122-сонли тўлов топшириқномаси билан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 26 250 000 сўм суѓурта мукофотини ўтказган.

Ўз навбатида, жавобгар 2018 йил 28 март куни гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурташ шартномаси бўйича суғурта пули 1 000 000 000 сўм этиб белгиланган полисни тақдим этган.

Даъвогар 2018 йил 13 ноябрда жавобгарга мурожаат қилиб, суғурта қилдирилган мулк кейинчалик банкка гаров учун тақдим этилмаганлиги, суғурта шартномаси мулк эгаси томонидан имзоланмаганлиги сабабли кучга кирмаганлиги, шунга кўра суғурта мукофоти тарзида тўланган 26 250 000 сўмни қайтаришни сўраган.

Жавобгар 2018 йил 19 ноябрдаги хат билан даъвогарга суғурта шартномасини бекор қилиш учун наф оловчи – банкнинг розилигини тақдим этишини маълум қилган.

Наф оловчи – банк 2018 йил 4 декабрда хат билан жавобгарга мурожаат қилиб, гаров шартномаси тузилмаганлиги сабабли суғурта мукофоти учун тўланган пул маблағларининг даъвогарга қайтарилишига эътирози йўқлигини маълум қилган.

Банкнинг ушбу хати асосида жавобгар 2018 йил 27 марта то 2018 йил 5 декабряга қадар бўлган давр учун 10 719 452,78 сўм суғурта мукофотини чегириб қолган ҳолда 15 530 547,22 сўм пул маблағини даъвогарга қайтариб берган.

Бундан норози бўлган даъвогар даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, суғурта шартномаси мулк эгаси – гаровга қуювчи томонидан имзоланмаганлиги сабабли у юридик кучга эга эмаслиги, шунга кўра жавобгардан суғурта мукофоти учун тўланган пул маблағларини тўлиқ қайтаришни сўраган.

Суд Фуқаролик кодексининг 927-моддасига асосланиб, суғурта полисида шартноманинг барча муҳим шартлари келтириб ўтилганлиги, суғурта мукофотининг тўланиши ва суғурта полиси тақдим этилишининг ўзи тарафларнинг шартномавий муносабатга киришганлигини ва ўзаро бир-бирининг олдида бурчли эканлигини

тасдиқлашини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилган.

Яна бир мисол. Даъвогар – суғурта компанияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Кармен» МЧЖ ҳисобидан суброгация тартибда 15 419 910 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳолатига кўра, «Ипотека банк» АТИБ ва жавобгар ўртасида 2017 йил 14 февраль куни кредит шартномаси имзоланган. Кредит маблағининг қайтмаслик хавфини олдини олиш мақсадида даъвогар томонидан 2017 йил 14 февралдаги шартномага асосан 36 250 000 сўм миқдоридаги кафиллик суғурта полиси тақдим этилган.

Жавобгар томонидан 15 419 910 сўм кредит қарзи ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли, банк томонидан даъвогарга мурожаат қилиниб, суғурта полиси асосида кредит қарзини тўлаб бериш сўралган ва суғурта компанияси томонидан ушбу сумма банкка тўлаб берилган.

Суғурта компаниясининг банкка тўлаб берилган суммани қайтариб тўлаш тўғрисида жавобгарга юборган талаблари эътиборсиз қолдирилган.

Фуқаролик кодексининг 957-моддасига мувофиқ, агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф оловчи) нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсадан талаб қилиш хуқуки тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади.

Шунга асосланиб, даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун хужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 45-сонли қарорининг 22-бандида суғурта шартномаси хўжалик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилганида, суғур-

таловчига талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундириш чораларини кўриши зарурлиги ва агар суфурта шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, фақат қарздорнинг мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмагандагина кредитор суфурталовчига талаб билдириш ҳуқуқига эга эканлиги, мазкур чоралар кўрилмасдан судга мурожаат қилинганда, даъвони қаноатлантиришни рад этишга асос бўлиши белгиланган.

Даъвогар – «Аср» МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар суфурта компаниясидан 981 659 780 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар (сотувчи) ва «Само» фермер хўжалиги (сотиб оловчи) ўртасида 2020 йил 13 июнда тегишлича олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга мувофиқ сотувчи умумий қиймати 981 659 780 сўм бўлган «Holland» русумли ғалла ўриш комбайнини эҳтиёт қисмлари билан бирга етказиб бериш, ўз навбатида, сотиб оловчи уни қабул қилиш ҳамда шартномада белгиланган тартиб ва муддатда қийматини тўлаш мажбуриятини олишган.

Даъвогар (суфурта қилдирувчи), жавобгар (суфурталовчи) ва сотиб оловчи – фермер хўжалиги ўртасида 2020 йил 13 июнь куни тадбиркорлик хавфини суфурталаш бўйича тегишлича суфурта шартномаси тузилган бўлиб, шартнома шартларига мувофиқ жавобгар (суфурталовчи) суфурта ҳодисаси юз берганида даъвогарга зарар

ни қоплаб беришни ўз зиммасига олган.

Даъвогар жавобгарга мурожаат қилиб, олди-сотди шартномасининг обьекти бўлган техника воситаси сотиб оловчи – фермер хўжалиги томонидан олиб кетилган бўлса-да, у томонидан белгиланган муддатда тўлов амалга оширилмаганлиги, ушбу ҳолат шартнома бўйича суфурта ҳодисаси ҳисобланиши, шу боис, суфурта пулини тўлаб беришни сўраган.

Жавобгар талаб қилинган суммани тўламаганлиги сабабли даъвогар судга мурожаат қилган.

Ишни судда кўриш давомида даъвогар томонидан фермер хўжалигидан қарзни ундириш чоралари кўрилмаганлиги аниqlанган.

Шунга кўра, суд даъвогарнинг суфурталовчига нисбатан даъво талабини қаноатлантиришни рад қилган.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, судья суфурта низоларини қонуний ва асосли ҳал этиш учун иш ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиши ҳамда суд муҳокамаси жараёнида далилларни ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, ҳар томонлама ва холис баҳолаши лозим.

**С. СОЛИЕВ,**  
**Тошкент туманлараро**  
**иқтисодий суди раиси,**

**Б. АБДУРАҲИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги**  
**Судьялар олий мактаби тингловчиси**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 авгуstdаги «Ўзбекистон Республикасининг суфурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли Қарори.

<sup>2</sup> «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни // <https://www.lex.uz>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 26.12.2008 йилдаги «Бизнес соҳаси учун суфурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 120-сон буйруғи. Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1891// <https://www.lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда // [www.lex.uz](https://www.lex.uz).

## ЎЗГАНИНГ ПУЛ МАБЛАГЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Маълумки, фуқаролик қонунчилигига бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун моддий жавобгарлик белгиланган. Бундай жавобгарликни қўллаш асосларини таҳлил қилишда, аввало, қандай ҳолатлар ўзганинг маблағларидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкинлиги, унинг асосларини таҳлил қилиш зарурияти юзага келади. Фуқаролик кодекси 327-моддасининг биринчи қисмида бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечикириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши кераклиги белгиланган.

Ушбу қоида пул мажбуриятларининг бузилиши учун жавобгарликни белгилайди. Мазкур норма фуқаролик-хуқуқий мажбуриятларнинг бошқа шакларини бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган жавобгарликни тартибга солмайди, балки айнан пул мажбуриятларини бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган моддий жавобгарликка оид муносабатларнинг хуқуқий асосини белгилаб беради.

Пул мажбурияти бўйича жавобгарлик учун асос бўлиб ана шу мажбуриятнинг тегишли пул маблағларини муддатида қайтармасликда ифодалangan бузилиш факти хизмат қиласди<sup>1</sup>. Яъни, ўзга шахснинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқиши учун шахс ўзга шахснинг пул маблағларини бирор фуқаролик-хуқуқий муносабат асосида қайtarishi лозим бўлса-да ўз вақтида қайtarмаган ёки ўзга шаклда қўлга киритиб, маблағларни оқилона муддатда эгасига бермаган бўлиши лозим. Мазкур жавобгарликнинг келиб чиқиши учун шу каби пул маблағларини қайtarмаганлик муддати муҳимdir.

Жавобгарликни белгилаш учун маблағларнинг қарздор томонидан ноқонуний ишлатили-

ши эмас, балки мана шу вазият асосий аҳамият касб этади.

Пул малбағларидан тўлов, пуллик қарзни тўлаш воситаси сифатида фойдаланилаётган бўлса, Фуқаролик кодексининг 327-моддаси қоидалари асосида тарафларнинг муносабатларига нисбатан мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик қўлланмайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 94-моддасида пул нарса (буюм)ларнинг турлари қаторида фуқаролик хуқуки обьекти сифатида келтирилган. Масалан, кредит ва бошқа шартномаларда пул шартнома предмети сифатида қаралади. Бу каби пул товар ролини ўйнайдиган муносабатларга нисбатан ўзганинг пул маблағларидан ғайриқонуний фойдаланиш учун жавобгарлик қўлланмайди. Фақатгина пул мажбуриятларини бажармаганлик ҳолатидагина жавобгарлик қўлланилиади.

Фуқаролик кодексининг нормаларида маълум бир фуқаролик муносабатларига нисбатан айнан Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилиши ҳам белгиланган. Масалан, қарз шартномаси умумий қоидага кўра, ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, фоиз миқдори эса (агар фақат қонун ёки шартномада фоиз тўланмаслик хусусияти ўрнатилмаган бўлса) Фуқаролик кодексининг 734-моддасига биноан шартнома билан белгиланади. Ушбу шартномада фоиз миқдори ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаса, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш Фуқаролик кодексининг 327-моддасидаги қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайtarиб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечикириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз

ундиришни фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг алоҳида, ўзига хос бир чораси деб ҳисоблаш мумкин<sup>3</sup>.

Пул мажбуриятининг бажарилмаслиги, яъни тегишли пул маблағларининг қайтарилимаслиги учун жавобгарлик қўлланилиши учун куйидаги асослар бўлиши лозим:

- пулни ғайриқонуний ушлаб қолиш;
- пулни қайтариб беришдан бош тортиш;
- пул бўйича тўловни бошқа тарзда кечиктириб юбориш;
- пулни бошқа шахс ҳисобидан асоссиз рашида олиш;
- бошқа шахс ҳисобидан асоссиз жамғариш.

Асоссиз ушлаб қолиш қонунга зид равишда ушлаб қолишдир. Бунда, пуллар қай тарзда қарздорга ўтиб қолганлигининг, яъни қонуний ёки ғайриқонуний эканлиги аҳамият касб этмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорида<sup>4</sup> келтирилган иқтисодий суд иши материалларига қараганда, (жавобгар) АТ «Микрокредитбанк» филиали ва (даъвогар) «Шамс» МЧЖ ўртасида номуайян муддатга тузилган банк ҳисобварағи шартномаси шартларига кўра, «Банк» мижозга банк ҳисобварақларини очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизмати кўрсатиш билан боғлик муносабатларни тартибга солиш мажбуриятини олган.

Бироқ, жавобгар Марказий банк томонидан тасдиқланган ва 2009 йил 16 марта Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги 1948-сонли Йўриқнома талабларига амал қиласдан, уни бир неча маротаба бузиб, даъвогарнинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлардан 2013–2016 йилларда жами 13 767 934 сўм миқдорида банк хизмати олиб, даъвогарга зарар етказган.

Жавобгар томонидан тарафлар ўртасида 2013 йил 22 сентябрда имзоланган 45-сонли банк ҳисобварағи шартномасига зид равиша 2014–2016 йилларда пул маблағла-

рини нотўғри ундириб олганлиги сабабли, туманлараро иқтисодий судининг бошқа иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори билан 10 462 718,31 сўм пул маблағлари даъвогарнинг фойдасига ундириб берилган.

Шундан кейин даъвогар туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилиб, ўзининг пул маблағлари банк томонидан ғайриқонуний ушлаб қолиниб, ундан фойдаланилганлиги учун банкдан 4 596 566 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Қайтариб беришдан бош тортиш холатларида пул маблағларини мулкдордан олган шахс уларни қайтариб беришдан бош тортади. Мулкдор томонидан қарздорга пул маблағларини беришга нима асос бўлганлигининг бу ўринда аҳамияти йўқ.

Мисол учун, Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 декабрдаги бир ишида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шахар худудий бошқармаси «ААА» АЖ манфаатида, жавобгар «XXX» МЧЖдан 1 160 946 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво киритади<sup>5</sup>. Унда кўрсатилишича, тарафлар ўртасида 2018 йил 12 январда тузилган №10/Z007-сонли заём шартномасига асосан, даъвогар «ААА» АЖ жавобгар «XXX» МЧЖга «ЛЛЛ» акциядорлик жамиятидан қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиши учун молиявий таъминлаш мақсадида 3 853 793 000 сўм миқдорда заём маблағларини ажратиши, жавобгар даъвогарга ажратилган заём маблағларини 5 фоизлик устамаси билан қайтариш мажбуриятини олган. Бироқ, жавобгар шартнома шартларини бузиб, берилган заём маблағларидан фойдаланиб келган бўлса-да, 837 781 000 сўм асосий заём қарздорлиги, 323 165 000 сўм заём фоизидан қарзи, жами 1 160 946 000 сўм заём қарзини қайтариб тўлашмаган, даъвогар томонидан 2020 йил 30 июл куни юборилган талабномага жавоб берманган. Суд даъвогар томонидан тақдим этилган иш материаларини кўриб чиқиб, куйидаги асосларга кўра даъво талабларини қаноатлантирган: Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан қарз шартномаси бўйича бир тараф иккинчи тарафга пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пул-

ни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади. Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар 2018 йил 12 январда тузилган 10/Z-007-сонли заём шартномасига асосан ҳуқуқий муносабатга киришган. Мазкур шартномага кўра, даъвогар жавобгарга 3 853 793 000 сўм миқдорда қишлоқ ҳўжалик техникалари ва уларга эҳтиёт қисмлари сотиб олиши учун заём ажратган. Бироқ, жавобгар даъвогар томонидан берилган заём ва ундан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини тўламаган ва ушбу кунга келиб даъвогар олдида 1 160 946 000 сўмлик қарзи вужудга келган. Мазкур ҳолатда, жавобгарнинг даъвогар олдидаги пул маблағларини қайтариш мажбуриятини бажармаслиги ўзганинг пул маблағларини қайтаришдан бош тортиш деб талқин қилиниши мумкин.

Тўловни бошқача тарзда кечикиришнинг маъноси шартномада ва худди шу каби, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган пул маблағларини тўлаш муддатининг ҳар қандай кечикирилишини англатади.

Масалан, даъвогар – «Шодлик» МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Баҳор» масъулияти чекланган жамиятидан (жавобгар) етказиб берилмаган маҳсулот кийматига нисбатан ҳисобланган 20 445 000 сўм пеня, 4 815 000 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 327-моддаси асосида даъвогарнинг банк фоизи талабини банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда ундириш лозим деб ҳисоблаган. Шу боис, жавобгардан даъвогар фойдасига банкнинг қайта молиялаш

ставкаси 12 фоиз миқдорда бўлганини инобатга олиб, 4 815 000 сўм фоиз ундиришни лозим топган<sup>6</sup>.

Пулни бошқа шахс ҳисобидан асоссиз рашидда олиш сифатида бирон шахс қонун ҳужжатларида ёки битимда белгилаб қўйилмаган асосларда бошқа шахснинг пул маблағлари ҳисобига мол-мулк сотиб олиб, пул маблағларини қайтармаган ҳолатни тушуниш мумкин.

Бошқа шахс ҳисобидан асоссиз жамғариш асоссиз олишдан фарқли ўлароқ, шахс томонидан сарфланиши шарт бўлган пул маблағлари суммасининг харажатни бошқа шахс амалга оширгани сабабли сақлаб қолишни англатади.

Юқорида таҳлил қилинган асослар ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи умумий сабаблардир.

Бозор қонунларига асосланган иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ривожланиш мамлакатимиз келажаги учун пойдевор яратиш, ахоли турмуш тарзи ва фаровонлигини ошириш, уларнинг қундалик эҳтиёжларини тўлақонли қондиреш каби мақсадлар билан йўғрилган. Зеро, янгидан-янги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги шароитда пул муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимиға доир илмий-назарий ҳамда амалий натижалар халқ манфаатлари йўлида хизмат қиласи.

**Ш. ЭРМЕТОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби тингловчиси**

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– 715-б.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– 715-б.

<sup>3</sup> Қарз шартномасининг шакли ва мазмуни, мақола, <https://sud.uz/qarz-shartnomasi/> (охирги кўрилган сана: 07.05.2021).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори, <http://sud.uz/wp-content/uploads/2019/12/%D0%9E%D0%91%D0%97%D0%9E%D0%A0-%D0%98%D0%A1%D0%A5%D0%BE%D1%80%D1%84%D0%BE.docx>, (охирги кўрилган сана: 07.05.2021).

<sup>5</sup> Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 декабрдаги кўрилган иқтисодий иши, <https://public.sud.uz/api/file/download/9652487>, (охирги кўрилган сана: 07.05.2021).

<sup>6</sup> Батафсил қаранг: <https://lex.uz/docs/2846512> (охирги кўрилган сана: 07.05.2021).

## ХАЁТ САБОГИ: У УҚҚАННИ ЮКСАКЛИККА ЭЛТАДИ, УҚМАГАННИ ЧОХГА ҚУЛАТАДИ

Ўзининг 45 йиллик умри мобайнида 6 бора судланиб, жами 32 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган шахснинг ахлоқан тузалиши, руҳан ва маънан соғломланишига умид боғласа бўлармикан? Афсус. Бу саволга тайинли жавоб йўқ. Ўз ҳаётини ўз қўли, ўз қилмишлари-ла аллақачон издан чиқарган кимсанинг жиноий кирдикорлари эса давом этаяпти. Унинг заҳил тортган афти, дарз кетган маънавий-ахлоқий башарасини тасвирлашга ҳожат йўқ. Бундай қаралса, ўз умрининг кўп қисмини зимистонда ўтказган кишида инсоний қиёфа на қилсин?! Унинг исм-шарифи, таваллуд санаси акс этган ва тегишли ҳуқук-тартибот идоралари тарафидан нуқул қора бўёқларга чапланган кўйи битилган кўримсизгина таржимаи ҳоли бор, холос.

Бундайларни чор-атрофдаги ҳалол, пок, озод, умрини инсонийлик фазилатлари оғушида ўтказаётган фидоий ва меҳнатсевар кишилар, яқин қўни-қўшнилар эмас, ўзини криминал қилмишлар домига ташлаб, азиз умрини аросатда ўтказаётган етти-ёт бандай гумроҳларгина яхши танишади.

Унинг ижтимоий сувратига ўзингиз ҳам разм солинг. 1975 йили ёз охирлаган маҳал Урганч шаҳрида покиза, беғубор ва бенуқсон ҳолда атак-чечаклаб дунёга келган фарзандга муносиб исм беришган. Падари ва бобокалони ҳурмати – туғилгани ҳақидаги гувоҳномага Карюков Руслан Амурovich номини битишган. Таассуф. У ота-онасига муносиб фарзанд бўлолмади, инсонийлик фарзини ҳам ўтай олмади. Ёшлигиданок, ҳаётнинг ҳамма юргучи кенг ва равон йўллари бир четда қолиб, қалтис, пастқам, зимзие ва хавф-хатарли манзилларни қўмсади.

Турмушнинг ҳалоллик, поклик, чин ода-

мийлик эпкиnlари елгучи, бироқ, анчайин заҳматли фидоий меҳнатни сўрагучи файзиёб манзилларини излаш ва топиш саодати юртнинг муносиб фарзандлари, комил ва қобил инсонларга насиб этади. Шу томон талпинмаган, интилмаган, аксинча ҳаётнинг қарама-қарши тарафидаги бефайз, бетароват, қадам етмас маконларини қўмсаган кимсалардан эса ҳатто Яратганинг ўзи ҳам безор.

Руслан Карюков эсини танибоқ шу янглиғ чуқур чохга қулади. Ҳали 20 га тўлмаёқ, судланиб, ўз қилмишининг ажрини тортди. Орадан 3 йил ўтмаёқ тағин қонун тегарасидан чиқди, пешонасига яна судланганлик тамғаси босилди. Тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораси билан «сийланди». 2000 йили учинчи бора қаланги-қасанғилик кўчасига кирди. Ашаддий ўғирлик устида қўлга тушиб, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. 2008 йилга келиб, ғаригина кўнгли тағин ўғирликни тусади. Уни содир этди. Ушбу кирдикорни ҳужжатлар бошқа зарурӣ воситаларга қасдан шикаст етказиш ва нобуд қилишга оид жиноий хатти-ҳарарат асносида амалга ошириди. Табиийки, бу қилмишдан ҳам рўшнолик топмади. Аксинча, суд ҳукми билан 5 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Орадан атиги 2 ойгина вақт ўтди. Гарчи ҳибсда эса-да, жиноий қилмишдан ўзини тия олмади. Тағин ўғирлик – тағин жазо... Бу гал нақ 7 йилга кесилди. Лекин, ўша кезлар амалда бўлган амнистия актига қўра жазодан барвақт ҳолос қилинди. Афсус. Бу галги кечиримлилик ва бағрикенглик неъматини ҳам ҳазм этолмади. Озодликка чиққанидан сўнг орадан 1 йил ўтмаёқ янги жиноий кирдикор: бу сафар янада асоратли, ўта оғир, фожиали ва

мудхиш жиноят – одам ўлдиришдек кечирилмас қилмишни ҳайиқмай амалга оширеди. Унинг жазоси оғир ва муқаррар бўлди. Ашаддий қотиллик уни 19 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазосига рўпарў этди. Маҳкум ўз ноинсоний қилмишининг ажрини роса татигач, 2020 йилнинг июль ойида навбатдаги бағрикенглик акти шарофатидан яна озодликка чиқди.

Элда дарди бедаво, муолажа кор қилмас, дори суртса-да юқмас касаллар анчагина. Кўнгли жиноий қилмишга мойил бандалар ҳам шулар сирасидан. Ҳарчанд уринманг, уларни бу йўлдан қайтара олмайсиз. Бу тоифадагиларнинг ўз билгиси бор: уларга ҳалол ва фидоий меҳнат, намунали инсоний фазилатларга йўғрилган баҳтли-тотли, шўх-шодон ҳаётдан кўра авахта афзал. Ундейларнинг илкига обрў-эътибор, тўкин турмуш, баҳтли ҳаёт аталмиш неъматларни тутқазиб: «Ма, ол, буларнинг бари сеники», десангиз-да, олмайди. Ғарип кўнгли тағин ўша зимистон ҳаёт, bemаза ва заҳар-закқум «таом»ни тусайди. Дарҳақиқат, Русланнинг озодликдаги ҳаёти узоқча чўзилмади. Узоқ йиллик жиноий жазодан сўнгги умргузаронликнинг учинчи ойи охирламёқ ўзи касб қилган жирканч амал – ўғирликнинг пешини тутди. Ўтган йилнинг 30 сентябрь куни тун алламаҳалида одатига кўра кўча санқиётиб, шаҳарнинг ўзи вақтинча бошпана топган 3-даҳасидаги 29-йй йўлагида назоратсиз қолдирилган «Белорус» русумли велосипедга кўзи тушди. Уловни кўргани ҳамоно ўй ва андишани бир четга сурди. Уни эгаллаб олган куйи воқеа жойидан ғойиб бўлди. Ўғирлик мол эртасига ёқ бозорга чикарилди. Унинг нархи аслида 800 минг сўм эса-да, Руслан уни атиги 200 минг сўмлик насия эвазига узоқ танишига сотиб юборди. Навбатдаги кўша ўлжа роппа-роса уч кундан сўнг – 3 октябрь чуқур тун чоғи қўлга кирди. Руслан бу гал шаҳарнинг Паҳлавон Махмуд кўчасидаги 228-Б-йй олдида пайдо бўлди. Узоқ чарчоқдан сўнг шу ердаги хилват жойда бироз ухлаб, ором олишга уннади. Шу ўринда маълумингиз учун ай-

тмоқ жоиз: аслида Руслан учун борарга мақон, яшарга жой йўқ. Бари яқинлари унинг баҳридан ўтишган, оиласи бузилган, турмуш ўртоғи чорасизлик боис бир нафар фарзанди билан уй-рўзгор аталмиш мўътабар даргоҳни аллақачонлар тарқ этиб кетган. Шу сабабки, исталган уйнинг томи-ю, йўлаги, ховлиси-ю, ертўласи, дов-дарахтлар ости, ташландиқ ва хароба манзил-мақонларнинг бари унинг учун ўлан тўшак. Қай маконни ихтиёр этса ўша жойда тунаб кетаверади. Ўша туни ҳам шундай бўлди. Руслан ўзи этиб келган кўп қаватли иморатнинг хилватроқ жойидан тунашга панагоҳ излади. Уй йўлаги бўйлаб том томон кўтарилиди. Бинонинг учинчи қаватига етганида нигоҳи иттифоқо 10-хонадон эшиги олдида темир занжирга боғланган ҳолда қолдириб кетилган иккита велосипедга тушди. У ҳар эҳтимолга қарши ёнида доимо металл омбур олиб юради. Бу ишончли дастгоҳ айни пайтда ўғирлик учун айни асқотувчи қурол. Руслан ҳаялламай омбурни ишга солиб, ҳар иккала уловни бирпасдаёқ «бандилик»дан бўшатди. Ўғирлик моллар тезора ишончли жойга яширилди. Бироқ, деворнинг ҳам кўзи-қулоғи бор. Шубҳа-гумонлар ҳам асосли. Шундай қилиб десангиз, ўғирликка оид далиллар, важ-корсонларнинг бари гумонсираганларни Русланнинг ҳузурига етаклади.

У қилмишини хаспўшлаб ўтирмади. Барини оқизмай-томизмай айтиб берди. Ҳатто, ҳали ҳеч кимга ошкор этилмаган сир – уч кун аввал амалга оширилган велосипед ўғирлигига оид ҳақиқатни ҳам очиб ташлади, қилмишини шахсан ўзи фош этди. Танишининг уйидан топилган шалоқ велосипед ушбу жиноят ҳақиқатан ҳам содир этилганини аниқ-тиник тасдиқлади. Омади чопмаган харидор «мол»ни чиндан ҳам Русланнинг қўлидан 200 минг сўмлик насия пул эвазига сотиб олганлигини маълум қилди. Ўғирлик матоҳ тезда ўзининг ҳақиқий эгасига қайтарилди. Ўша йилнинг 3 октябрь оқшомида содир этилган ўғирлик натижасида қўлга кирган ва пировардида жами нархи 1 миллион 380 минг сўмга баҳоланганди икки-

та велосипеднинг «тақдири» ҳам ҳал бўлди. Ҳар иккала улов яна ҳақиқий эгасининг уйидан «бошпана» топди. Қилмишни суд йўли билан баҳолаш чоғи эса, ўғирланган велосипедларнинг бари эгаларига қайтарилгани, етказилган зарар бартараф этилгани маълумот учун қабул қилинди.

Бу сингари давомли жиноий кирдикорларни қай важ-ла изоҳлашни, нима билан оқлашни билмайсан, киши. Дарвоке, 45 йилдан мўлроқ умрининг ўтган йиллари мобайнида 6 марта судланиб, яна шунча бор жазога тортилган, такрор-такрор давомли кирдикорлар, озодликдан мосуво ўтган салкам 33 йиллик ҳаётидан заррачаям сабоқ ололмаган, шу алфозда рецидив жиноятчи номини гарданига олган, охир-оқибатда бу билан ҳам кифояланмай 7-маротаба жирканч қилмишга қўл урган кимсанинг руҳан, ахлоқан тузалишига чиндан ҳам умид ва ишонч борми? Хўш, бу фожия нега юз берди? Карюковлар оиласидаги машъум инқизоз: бир адашган банданинг шум қисмати бошқаларни нега безовта қилмади? У жазони ўтаб, элига қайтгач бир йўла ҳам бошпанасиз, ҳам ишсиз, ҳам моддий таъминотсиз қолди. Махалла фуқаролар йиғини, участка профилактика нозири, жамоатчилик масаланинг бу жиҳатига аввал бошданоқ бефарқ қаради. Оқибат – фожия: изи узилмаган, бири-бирига уланган давомли ва асоратли жиноий қилмишлар занжири Русланбекнинг чин фожиасидир.

Кейингиси баридан ўтиб тушди. Машъум жиноий кирдикор хукмингизга ҳавола этилган ана шу ҳолатлар: эътиборсизлик, назоратсизлик, ишсизлик, бошпанасизлик ва моддий етишмовчиликлар оқибати эканини яққол исботлади. Афсус. Бу янглиғ саволларга номи юқорида зикр этилган масъул ва мутасаддилар жўяли жавоб беришдан ожиз. Лекин, одил судловнинг йўриғи бўлак. Русланнинг сўнгги жиноий қилмиши юзасидан ўтказилган суд жараённада бу сингари саволлар, мулоҳазаларнинг биронтаси ҳам бежавоб қолмади. Қилмишнинг бор тафсилоти муфассал ўрганилди. Пировардида бари аён

тортди. Гал жазога... Аммо, уни қўллаш ҳатто судья учун ҳам осонмас. Шу важдан ҳам қонунга, адолат ва одиллик тамойиллирига суюнмоқ даркор. Юртимиз қонунчилигининг карами чиндан-да кенг, хўп кенг, кўп кенг. У жазони босиб-босиб қўллашни тақозо этмайди. Аксинча, енгиллатишни сўрайди.

Суд тергов органи тарафидан Руслан Карюковнинг сўнгги қилмиши юзасидан Жиноят кодекси 169-моддасининг З-қисми «а» банди бўйича қўйилган айбни эътироф қилди. Бироқ, судланувчи ўз айбига тўла иқрорлиги, пушаймонлиги, оғир ва мураккаб ижтимоий турмушга рўпарў келганлиги барibir инобатга олинди. Шу важдан Жиноят кодексининг унга нисбатан малакаланган моддаси талаби доирасида жазо чораси тайинланди. Айбланувчи мазкур Кодекс 34-моддасининг иккинчи қисми «б» бандига мувоғиқ ўта хавфли рецидив жиноятчи, деб топилиб, яна 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳа, давомли ва такрор-такрор содир этилган машъум қилмишларнинг баҳоси ҳам, жазоси ҳам шу бўлди. Аммо, ноумид – шайтон. Умид, илинжиз яшамоқ инсон учун жоиз сифат, урф-у, фазилат эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу эзгу хислатдан айро яшамаслик, унга ҳаргиз қўл силтамаслик даркор. Қани, умид ва ишонч-ла кўриб, кузатайлик-чи, Руслан галдаги жазодан кейин, эл-улус олдида қай суврат, қай қиёфада намоён бўларкин? Ҳа-да, бу ҳаётда узоқ йиллик дард-у, қисмат, қаро ва оғрикли кунлар, давомли аросатли онлардан сўнг ҳақиқий тузалиш йўлига кираётган, чинакам ҳаёт бағрига қайтаётганлар оз дейсизми? Руслан Карюковни ҳам ўзи ва ўзлигини топган ана шундай бахтиёр замондошларимиз сафида кўришни истаймиз.

**Ш. РАЗЗОҚОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Урганч шаҳар суди раиси**

## УМАР ҲАЙЁМНИНГ САМАРҚАНД САРГУЗАШТЛАРИ

Шаҳар узра сокин оқшом чўкканида, кундалик юмушларидан холи бўлган самарқандликлар қалампир бозори ёнидаги боши берк кўчада жойлашган иккита майхона атрофида айланиб юришни хуш кўришарди. Уларнинг мақсадлари майхонанинг хушхўр сўғдий шаробидан отиб олиб, сархуш бўлиб кўча кезиш эмас. Аксинча, кайфи ошиб қолган бирорта майхўрни қўлга тушириб, сазойи қилиш, танобини тортиб қўйиш. Бундай шариат посбонларининг қўлига тушиб қолган майхўрнинг ҳолига маймунлар йиғлади. Уни тупроққа белаб судрашади, ҳақорат-у надоматларга кўмиб ташлаб, бечора майхўрни йўлдан оздирувчи ичимликининг дўзахий кайфини бир умр ёдида сақлаб қолишга мажбур қилишади.

Айнан шундай ҳодисалардан бири 1072 йилнинг ёз оқшомларидан бирида, ёзилажак машҳур рубоийларнинг муаллифи, 22 ёшли Умар Ҳайём эндиғина Самарқандга келган пайтлари юз берди. Ким билсин, ўша фусункор оқшом у ҳам май илинжида бу тарафларга қадам ранжида қилдими ёки сайд-у томоша баҳона тавқи лаънат майхона тарафларга тасодифан келиб қолдимикан?

Ҳайём атрофга сукланиб боқиб кезар экан, чилим сотувчилар растаси ёнидан чиқиб қолди. Бир ҳомиладор аёл унга тикилганича яқинлашиб келди. Қизчаларникидек латиф лабларини қисганича, бир сўз ҳам қотмасдан, ялангоч билакчаларини чўзиб, ҳозиргина харид қилган қовурилган бодомидан бир ҳовуч узатди. Чодраси кўтариб қўйилган ушбу масъума аёлнинг ёши ўн бешларда бўлса керак. Ҳайём бу хайр-у садакадан эсанкираб қолмади. У бундай удум самарқандликларда қадимдан мавжуд эканлигини биларди. Бўлажак онанинг рўпара-

сидан келишган, хушқомат йўловчи чиқиб қолса, у туғилажак гўдаги ана шу кишига ўхшашини тилаб, қўлидаги егуликларни йўловчи билан баҳам кўриши керак.

У хаёлларини йиғиб олиб, яна йўлида давом этди. Тез орада олағовур оломон орасига тушиб қолди. Узун бўйли, қоқсуяқ бир қария ерда узала тушиб ётар, офтобдан қорайиб кетган яланг бошида оппоқ соchlари тўзғиган, бўғзидан алам ва нафрат аралаш титроқ фарёд отилиб чиқарди. Унинг ёшли қўзлари Ҳайёмга илтижоли тикилгандек туюлди. Соқол-мўйлови эндиғина сабза урган, қўлларидаги калтакларини сермаб завқланаётган йигирматача ёш-яланг бечора қарияни ўртага олиб туарар, орқароқда эса, воқеа нима билан тугашига қизиқиши билан қараб турган бир тўда бефарқ қишиларни кўриш мумкин эди.

– Бу энг ярамас, майпараст одам, исми Узун Жаббор!

Ҳайём бу исмни эшишиб сесканиб кетди, бўғзига бир нарса тикилгандек бўлди. «Жаббор! Абу Алининг шогирди!» хаёлига келди унинг.

Абу Али Шарқда энг кўп тарқалган исмлардан бири. Бироқ, Бухоро, Корду, Балх ёки Бағдодда яшайдиган ҳар бир саводхон киши бу исмни хурмат, эътибор ва ифтихор билан тилга олади. Чунки, бу исмни эшишган киши унинг мағрибда Авиценна, машриқда Абу Али номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино эканлигини дарров фаҳмлаб олади. Умар, албатта, уни шахсан танимасди, чунки у буюк олим вафотидан икки йил кейин таваллуд топган. Шундай бўлса-да, Умар уни ўз авлодининг буюк устозларидан ҳамда инсоният томонидан яратилган билимларнинг ҳаворийларидан бири деб тан оларди.

Ҳайём ўзича такрорлади: «Жаббор, Абу Алининг энг яқин шогирдларидан бири!». У қарияни биринчи бор кўраётганлиги учун унинг аянчли тақдиридан бехабар эди. Абу Али ўз шогирдида тиббиёт ва фалсафий билимларининг давомчисини кўрар, унинг илмий далиллари ўта дадиллигидан завқланар, айни пайтда, унинг шуҳратпарастликка ва даҳрийликка мойиллигидан афсусланар эди. Табиатидаги бундай нуқсонлар оқибатида у бир неча бор зиндонга ташланди, халойиқ кўзи олдида жазоланиб, сазойи қилинди. Навбатдаги шаккоклиги унинг бошига етди: Самарқанднинг энг катта майдонида, халқ ва оила аъзолари қаршисида 150 дарра билан жазоланди. Бу жазо унинг бутун ҳаётини бошқа ўзанга буриб юборди ва у ҳеч қачон қайта ўзига кела олмайдиган ҳолга тушди.

Умар воқеани зимдан кузатар экан, хаёлида ҳушёrona фикрлар ғужғон ўйнарди. «Ўзимни тиймасам мен ҳам бир кун шу кўйга тушишим мумкин». Оломон ўртасидаги қариянинг аянчли ҳолати унинг бу ҳадигини янада ошириди. Ҳаммасига қўл силтаб, бу ердан жуфтакни ростлаб қолишни ўйлади. Бироқ, ибн Синонинг шогирдини дарғазаб оломон ҳукмига ташлаб кетса, бир умр виждан қийналиб юришини хис қилди. Шунда қатъият билан уч қадам олға босди, овозига виқор ва ҳукмрона тус бериб:

– Бу бечорани қўйиб юборингиз! – деди.

Сардор ҳудди даҳшатли ҳукмни эълон килаётгандек ўшқирди:

– Бу майпараст, даҳрий ва файласуф одам!

У охирги сўзини ҳудди жиркангандек хириллаб талаффуз қилди.

– Қарияни қўйиб юборинглар! Ахир бу кимсасиз ва бемор девонанинг жони ҳалқумига келиб қолибди-ку!

– Сен уни яхши танийсан шекилли! Кимсан ўзи? Ҳа билдим! Сен бу шаҳарлик эмассан, келгиндисан! Сени ҳеч ким бу шаҳарда танимайди!

Умар иззат-обрўсини сақлаган ҳолда, бу чандиқли кишининг никталган бармоғини

жанжалга ҳожат қолдирмай, такаллуф билан четга сурди. Чандиқли киши бир қадам орқага чекинди-ю, аммо қатъият билан яна сўради:

– Исламнинг нима, эй келгинди?

– Мен нишопурлик Иброҳимнинг ўғли Умарман. Хўш, ўзинг кимсан?

Бетакаллуф берилган охирги саволга чандиқли йигит жавоб беришни эп кўрмади. Бирдан унинг кўзларидан ўт чақнаб, олдин ўз ҳамтовоқларига, кейин тўпланган олон-монга ғолибона нигоҳ ташлаб, ҳайқириди:

– Вой Худойим-е! Мен нишопурлик Иброҳимнинг ўғли – Умар Ҳайёмни танимай қолибман-ку! Ахир бу киши Хуросон юлдузи, бутун Форс ва ҳар иккала Ироқнинг энг доно кишиси, файласуфлар шаҳзодаси Умар Ҳайём-ку!

У масхараомуз таъзим қилди. Сўнгра икки қўлини салласининг икки чеккасига теккизиб, бармоқларини эшакқулоқ қилиб қимиirlатди. Унинг бу қилиғига шериклари хоҳолаб қула бошладилар.

– Ҳар бир сатри диёнат ва тақводорлик билан ўйғрилган мана бу рубоийни ёзган шоир ўзлари бўладиларми? – у баланд овозда қироат қила бошлади:

*Кўзамни синдириб, иргитдинг, Тангри,  
Хуррамлик эшигин беркитдинг, Тангри.  
Тупроққа тўқдинг-ку, гулгун майимни,  
Билмадим, мастмисан, на этдинг, Тангри?*

Умар шеърни ғазаб билан тинглади. Бундай ташвиқот ўлимга маҳкум қилиши аёнилигидан безовталанганди Умар оломон қаҳри жунбушга келмасданоқ, баланд ва жарангдор овозда жавоб берди:

– Эй, нотаниш киши! Бу рубоийни сенинг оғзингдан биринчи бор эшитяпман. Лекин, мана бу рубоийни ўзим ёзганлигим рост:

*Ўзни доно билган уч-тўртта нодон,  
Эшак табиатин қўлур намоён.  
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,  
Бўйласса «кофир» деб қилурлар эълон.*

Ҳайём тингловчиларнинг иззат-нафсига тегиб, уларни ошкора ғанимларга айлантириб юборган бу рубоийни ўқиб, бирдан

нотўғри иш қилганлигини англаб қолди. Фазбланган оломон унинг кийим-бошларини тортқилаб, йирта бошлади.

- У кимёгар, афсунгар, фирибгар!
- Бу келгинди афсунгар! Ҳа, бу афсунгар!
- қичқиради улар.

Посбонлар бошлиғи бироз ўйланиб тургач, масалани шу ернинг ўзида ҳал қилишни лозим топмади шекилли, қатъий эълон қилди:

– Агар бу одам ростдан ҳам афсунгар бўлса, уни қозикалон Абу Тоҳирнинг олдига олиб бориш лозим!

Шу пайт ҳамманинг ёдидан кўтарилиган Узун Жаббор бу ур-тўполондан омон қолганини сезиб, энг яқин майхона эшиги томон эмаклаб борар, Умар эса, ҳеч кимнинг ёрдамисиз аллақачон ўрнидан турганди.

\*\*\*

Қозикалон девонида ёқиб қўйилган шамлар Ҳайёмнинг юзини қордек оппоқ қилиб кўрсатар, ёши ўтиб қолган икки посбон худди хавфли жиноятчини тутиб келтиришгандек, уни пойгакда маҳкам ушлаб туришарди. Девонхонанинг тўрида савлат тўкиб ўтирган қозикалон унга эътибор ҳам бермасдан даъвогар-у жабрланувчини сўроқ қилар, бирининг гапини маъқулласа, иккинчисига танбех бериб турарди.

Қозикалон уларни чиқариб юборгач, навбатдаги гуноҳкорни, яъни Умарни ушлаб турган соқчиларга уни яқинроқ келтиришни буюрди. Гувоҳлардан воқеани суриштириб бир неча саволлар берди, ур-тўполон сабабларини тушунтириб беришни талаб қилди. Қозикалон ҳамма гувоҳларни тинглаб бўлгач, бир лаҳза ўйланиб жим қолди, кейин ҳукмини эълон қилди:

– Айтингиз, ҳамма тарқалсин! Ҳар бирингиз энг қисқа йўллар билан уйларингга борингиз!

У жазоталаб ёшларга қараб буюрди:

– Ҳаммангиз тарқалингиз! Масалани эртага ҳал қиласиз. Банди эса, бу оқшом шу ерда қолажак. Менинг соқчиларим уни қўриқлайдилар. Ва бу ерда ҳеч ким

қолмасин!

Абу Тоҳир ўз девонхонасида энг ишончли гумашталари билан қолгач, Умарнинг рўпарасига келди.

– Сени бундай жойда кутиб олаётганимдан афсусдаман, о машҳур Умар Ҳайём Нишопурй! – Атайлаб уюштирилган бир неча лаҳзалик сукунатдан сўнг Абу Тоҳир давом этди, – Умар, сени Самарқандда яхши билишади. Ёш бўлсанг ҳам шеърларинг ҳамманинг тилида. Сенинг ибратли ибораларингни муллаваччаларимиз ҳам такрорлаб юришади. Айт-чи, Исфаҳонда ибн Синонинг йирик бир асарини олти марта ўқиб чиқиб, Нишопурда уни сўзма-сўз ёддан айтиб берганинг ростми?

Ростдан ҳам бўлиб ўтган бу воқеадан Мовароуннаҳрда ҳам барча огоҳлигидан Ҳайённинг қўнгли яйраб кетди. Бироқ, ундаги ҳавотир ҳали-ҳамон тарқалган эмасди. Шариат қозиси томонидан ибн Синонинг тилга олиниши ҳозирча хотиржам бўлишга ишончли ва етарли асос бўла олмасди. Ҳар ҳолда, унга ўтиришга ҳам изн берилмаган эди.

Абу Тоҳир давом этди:

– Нафақат сенинг ақл-у заковатинг, балки анчагина мароқли тўртликларинг ҳам эл орасида машҳурдир.

Умар гап қўшишга қулай пайт келганини сезди:

– Чандиқли йигит ўқиган рубоий меники эмас.

Қозикалон бетоқат қўл силтади. Бу сафар унинг овози жиддий чиқди:

– Менга сенинг қандай шеър ёзганингни аҳамияти йўқ! Ҳозир иккимиз, икки ақлли киши ёлғиз ўтирибмиз ва мен сендан фақат ҳақиқатни эшитишни хоҳлайман.

Қозининг бир имосидан кейин Умар ўзини соқчилар қўлидан халос бўлганини сезиб, таклифни ҳам кутиб ўтирмасдан турган жойига чўқди. Қози самимилик билан мийигида кулиб қўйди, лекин шу лаҳзанинг ўзидаёқ сўроғини давом эттириди:

– Қани айтчи, сен одамлар таърифлаганидек даҳриймисан?

Шу биргина савол Умар қалбидан умидсиз титроқ уйғотди, лекин тұғрисини айтди:

– Мен муккасидан кетган тақводор эмасман, лекин Яратғаннинг ягоналигига ҳеч қачон шак келтирмаганман.

– Фикр-у хаёлингда дахрийлик борми?

– Аллох гувоҳ, мен бундан йироқман.

– Менга шу сўзингни ўзи кифоя. Фикримча, икроринг Яратғанга ҳам хуш келади. Бироқ одамларнинг фикри... Билгин, сенинг ҳар бир жумланг, ҳар бир ҳаракатинг одамларнинг назар-эътиборида. Одамлар нафақат сени, мени ҳам, ҳатто шаҳзодаларни ҳам синчковлик билан кузатиб юришади. Айтишларича, сен бир шеърингда «Мен Худонинг уйига ҳар замонда бир борсам, у ер салқин бўлгани учун ухлашга бораман», деганимиссан?

– Яратғанни қалбидан сақлаган кишигина Унинг уйида тинчгина ухлай олади.

Абу Тоҳир чуқур тин олди ва соқчиларга бу ердан чиқиб кетишларини билдириб имоқилди. Улар ортидан эшик ёпилиши биланоқ ўрнидан туриб, девонхонанинг бурчагига юрди. Осиғлиқ сўзанани кўтариб, нақшинкор сандиқ қопқоғини очди ва у ердан қандайдир бир китобни олиб, Умарга узатди. Унинг мулојим қиёфасида ҳомийларча табассум ўйнار эди.

Китоб қалин ва қаттиқ, ялтироқ чарм муқовали бўлиб, устига товус думининг тасвири босиб ишланган, саҳифа четлари ҳали тўғрилаб кесилмаган ҳам эди. Таассуротларга бой бўлган мана шу ёз оқшомида Умар китобни варақлаб, унинг икки юз эллик олти саҳифаси ҳам ҳали оппоқ эканлигини, уларга на бирон шеър ва на бирон нақш ёзилмаганини кўрди.

Абу Тоҳир ҳаяжонини босиши мақсадида савдогарларга хос қиёфага кириб, гапини давом эттириди:

– Бу китоб Самарқанд устахоналарида қадимий усулда, энг сифатли хитой қофозидан тайёрланган. Уни мотуридлик бир яхудий уста менинг буюртмамга биноан маҳсус оқ тут ёғочидан тайёрлади. Саҳифаларини кўргин, улар

худди шоҳидек силлиқ ва мустаҳкам.

У томогини қириб олиб, гапида давом этди:

– Менинг ўзимдан ўн ёш катта бир акам бор эди. У оламдан кўз юмганида сенинг ёшингда эди. У Балхда, султонга ёқмай қолган бир шеъри учун қатл қилинган. Билмайман, бу ростми ёки ёлғонми, уни дахрийликда айбладилар. Акамнинг шу кичик, рубоидан ҳам қисқа шеъри учун қатл қилинганлигига мен айборман.

Унинг овози бўғилиб, энтикиб давом этди:

– Бу китобни эҳтиёт қил. Ҳар сафар қалбинда бирор шеър туғилиб, у оламга чиқиш учун бўғзингга югурса, унга тишлиринг ва лабларинг мустаҳкам дарвоза бўлсин. Уни овоз чиқариб оламга ёйма, мана шу китобга битиб, бир умрга сир сақла. Уларни ёзаётиб, Абу Тоҳирни ҳам эслаб қўй.

Қози ўзининг шу илтимоси билан адабиёт тарихида узоқ вақт сир сақланиб келинган машҳур рубоийларнинг ёзилишига сабаб бўлганлигини, Умар Ҳайём даҳоси билан танишиш учун инсоният яна саккиз аср кутиши лозимлигини, бу рубоийлар авлодлар томонидан дунёдаги энг нафис санъат тури сифатида эъзозланишини, Самарқандда ёзилган ушбу қўлёзма китобни кейинги асрларда қандай саргузашлар кутаётганини билмасди.

\* \* \*

Ўша тун Умар Ҳайём кенг боғ ўртасида жойлашган Абу Тоҳирнинг ёзлик шийпонида уйкуси қочиб, тўлғаниб чиқди. Ёнидаги пастак хонтахта устида довот ва қалам, ўчирилган чироқ ва биринчи саҳифаси очилган, лекин ҳали ҳеч нарса ёзилмаган ўша китоб турарди.

Тонг гира-ширасида бир шарпа, гўзал бир чўри аёл кириб, унга майдалаб кесилган бир патнис қовун, янги кийим-бош, зандана шойисидан тўқилган салла келтирди.

– Бомдод намозидан кейин хўжайн сизни кутяпти, – деди у шивирлаб.

У кириб келганида девонхона аллақачон

адолатталаб одамлар, боёнлар, садақаталаб гадойлар ва хизматкорлар, турли юмушлар билан келган кишилар билан тўлганди. Улар орасида, албатта, сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишга келган чандиқли муллавачча ҳам бор эди.

Умар эшикдан кириб келиши биланоқ қозикалон у томонга ўгирилди ва баланд овозда хитоб қилди:

– Пайғамбаримиз каломларининг тенги йўқ билағони, унга садоқатининг чеки йўқ инсон, имом Умар Хайёмнинг қадамларига ҳасанот!

Девонхонада ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси бирин-кетин ўринларидан турдилар, кўлларини кўксиларига кўйишиб, тавозе билан енгил таъзим қилдилар ва жойларига ўтиридилар. Умар кўз қири билан чандиқли муллаваччага қаради ва уни қулгили аҳволда ранг-кути ўчиб бурчакда ўтирганини пайқади.

Абу Тоҳир сертакаллуфлик билан Умарни ўзининг ўнг томонида ўтиришга таклиф қилди. Боёнлар чақонлик билан ўринларидан қўзғалишиб, унга жой бўшатдилар. Ўз хукмининг ижросини викор билан кузатиб турган қозикалон сўзида давом этди:

– Кеча оқшом қімматли меҳмонимиз билан нохуш воқеа содир бўлиби. Хурсон, Форс, Мозандаронда чексиз иззат-эътиборга лойик бўлган, ҳар бир шаҳзода, хон ёки сulton ўз саройида бажонидил уни кутиб олишни орзу қиладиган бу хурматли зотни кеча бизнинг Самарқанд қўчаларидан бирида беҳурмат қилишибди!

Девонхонада ғазабли хитоблар янгради. Қозикалон бир зум шовқин-суронга қулоқ тутиб турди-да, бир имо билан уни тўхтатиб, давом этди:

– Энг афсусланарли жойи шундаки, бозор майдонида тартибсизлик рўй берган. Бизнинг эъзозли хонимиз, салтанатимиз қўёши, Аллоҳ уни ярлақасин, хурматли Носирхон бугун Бухордан шахримизга етиб келиши арафасида рўй берган бундай тартибсизликни қандай изоҳлаш мумкин? Агар бу тартибсизликнинг олди олиниб, одамлар тарқатиб

юборилмаганида, бугун қандай мусибатлар бошимизга тushiши мумкин эканлигини тасаввур қилишдан ожизман. Мен сизга айтсан, кўпчилик кишиларнинг бошлари танасидан жудо бўлиши тайин эди!

У ўз сўзларининг таъсирини кўриш учун, тўпланганлар вужудида уйғонажак ваҳимани сезиш учун бир зум тин олди ва давом этди:

– Бахтимизга орамизда ўтирган менинг собиқ шогирдларимдан бири меҳмонимизни таниб қолиб, бу хабарни тезда менга етказди.

У бармоғи билан чандиқли муллаваччани кўрсатди ва унга ўрнидан туришни буюрди:

– Айтчи, мавлоно Умарни сен қандай таниб қолдинг?

Жавоб ўрнига аллақандай минғирлаш эшитилди.

– Баландрок гапир! Бу ерда ўтирган бизнинг кекса амакимиз гапларингни эшиитмаяпти! – қичқириди қози чап томонида ўтирган оппоқ соқолли қарияни кўрсатиб.

– Мен хурматли меҳмонимизни сўзга чечанлигидан таниб қолдим, - деди чандиқли муллавачча ғудраниб. – Кейин унинг кимлигини суриштириб, сизнинг олдингизга олиб келдим.

– Сен яхши иш қилдинг. Агар тартибсизлик давом этганида, қон тўкилиши тайин эди. Кел, меҳмонимиз ёнига ўтири, сен бунга лойиксан.

Чандиқли муллавачча ясама итоаткорлик билан ўрнидан туриб, улар ёнига келаётганида Абу Тоҳир Умарнинг қулоғига шивирлади:

– У энди сенга дўст бўла олмаса ҳам, одамлар қўзи олдида сенга душманлик қилишга журъат қила олмайди.

Қозикалон баланд овозда давом этди:

– Бўлиб ўтган воқеалар мавлоно Умарнинг қалбида Самарқанд ҳақида нохуш хотиралар қолдирмас, деган умиддаман...

– Кеча оқшом бўлиб ўтган воқеани мен аллақачон кўнглимдан чиқариб ташладим.

**АМИН МААЛУФ**  
**«Самарқанд ёхуд зулматда**  
**йўқолган зиёни излаб...» асаридан**